Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 142 (6. 333) ◉ 1987 йил 25 июнь, пайшанба ◉ Баҳоси 3 тийин

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИГА ҲАМТАГ

ФАХР

...Бундан 21 йил муқаддам Дмитрий Михайлович Свердловск шаҳрида яшарди. Тошкентда юз берган зилзила, ёрдамга отрядлар тўпланаётгани ҳақидаги хабарни эшитиб, ёш экскаваторчи ҳам сафарга отланди. Бу ерда севимли касбида ишлай бошлади. Кейинчалик пайвандчиликни ҳам мукаммал ўрганди. Дўстлари билан Ўзбекистон пойтахтини тиклашда актив қатнашди. Шаҳарнинг чирой очишига ҳисса қўшганидан, шу ерда яшаб қолганидан доим фахрланади. Мана орадан салкам чорак аср ўтибдики, Д. Главчев қурувчилар сафида, «Главташкентстрой» 159-трестига қарашли 70-қурилиш-монтаж бошқармасининг Т. Калимулин бошлиқ коммунистик меҳнат бригадасида ҳалол меҳнат қилаяпти.

Айни кунлар бинокорнинг ҳамкасблари учун долзарб дамлар ҳисобланади. Азаматлар Оқтепа массивида барпо этилаётган 560 ўринли болалар боғчасини июнь ойининг охиригача битказиш мажбуриятини қабул қилганлар. Уюшқоқлик кўрсатиб меҳнат қилаётган гишт терувчи, дурадгор, пайвандчи, сувоқчи ва бошқалар нормаларини 115—120 процентга етказиб бажаряптилар. Ҳозир объект да сўнгги пардозлаш ишлари тугалланяпти. Ҳадемай боғчада кичкинтойларнинг шўх кулгиси янграйди.

Дмитрий Михайлович ўзининг ишчанлиги, одамийлик хислатлари билан ҳам касбдошлари орасида ҳурмат қозонган. Унинг қанчалик меҳнатсевар, меҳрибон устоз эканидан кўксини безаб турган Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Социалистик мусобақа ғолиби» нишони ҳамда турли йилларда топширилган мақтов ёрлиқлари далолат бериб турибди. У тор тўкаётган бригада аъзолари кунлик планнинг икки бараварга етказиб бажариб, 7 ноябргача ўн иккинчи беш йилликнинг икки йилик план-топшириқларини эрта адо этишга интилмоқдалар.

М. ФЕЛЬДМАН.

Студентлар учун ётоқхона

Юнусобод массивидаги Мирзаҳмедов кўчасида ҳар бири 240 ўринли иккита тўққиз қаватли ётоқхона бинолари қад кўтармоқда.

Бу ётоқхона Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институти студентларига мўлжалган.

Мазкур объектда йил бошидан буён «Главташкентстрой» 4-трестига қарашли 18-қурилиш бошқармасининг Д. А. Махов ҳамда Н. Д. Балкумов бошлиқ комплекс бригадалари меҳнат қилмоқда.

— Бригада пудрати усулида меҳнат қилаётган коллектив социалистик мусобақанинг авж олдирган, — дейди қурилиш мастери М. Ҳусанов. — Объектни сифатли қуриб, муддатидан илгари ишга туширишда шу мусобақанинг асосий бандларидан биридир. Сўзи билан иши бир қурувчилар объектда умумий қурилиш ишларини ниҳоясига етказиб, уни сайқалчиларга муддатидан бир ой олдин топширишга аҳд қилишган.

Бригаданинг В. Хаммов, В. Морозов, Г. Цой, А. Гусев каби қурувчилари ҳар бир ишда ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқдалар.

Коллектив ётоқхона биносини янги ўқув йилига совға этиш учун имкониятлардан унумли фойдаланмоқда.

Тошкент область партия комитети пленуми

1987 йил 23 июнда Тошкент область партия комитетининг VII пленуми бўлди. Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов «КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан область партия ташкилотларининг вазифалари» мавзуида доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесарь-инструктори Н. В. Луканина, Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Абдувосиқов, Оҳангарон районидаги «Галлақудуқ» совхоз-саноат комплексининг директори Г. П. Гриценко, Ҳамза номли Давлат академик драма театрининг актёри, СССР халқ артисти З. Муҳаммаджонов, илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи, партия комитетининг секретари Н. Я. Бережной, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари А. И. Фозилбеков, Чиноз район партия комитетининг биринчи секретари В. Г. Гришчук, Тошкент экскаватор заводи қуюв цехи кранчилар бригадири Т. А. Гаврилова, Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари Т. М. Аҳмедов, Чирчиқ шаҳридаги 160-трест бошқарувчиси А. Керимов, Оржоникидзе район партия комитетининг биринчи секретари Г. С. Миразимова, область комсомол комитетининг биринчи секретари Ғ. Ҳ. Усмонхўжаев, область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири Р. Қ. Турсунов сўзга чиқдилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев ва КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими сектор мудирининг ўринбосари И. Е. Пономарев нутқ сўзладилар.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг инспектори М. И. Берстенев қатнашди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан пленум тегишли қарор қабул қилди. Пленумда шунингдек КПСС Марказий Комитетининг қарорини бажариш юзасидан тадбирлар Комплекс плани тасдиқланди.

(Пленум ҳақидаги батафсил ҳисобот бугун тонгги газеталарда эълон қилинган).

Навбатдан ташқари ягона сиёсий кун

«Партия сафларини мустаҳкамлаш учун, коммунистининг соф ва ҳалол қиёфаси учун» 26 июнда Тошкентда ва пойтахт областида ана шу темада навбатдан ташқари ягона сиёсий кун бўлади.

У область партия комитетининг пленуми якунларига бағишланади.

Ягона сиёсий кунда бошланғич партия ташкилотларн, меҳнат коллективларида партия сафларини мустаҳкамлаш, партия ташкилотларн жанговарлигини ошириш, ишлаб чиқаришда ва ижтимоий ҳаётда коммунистларнинг авангардлик ролини кучайтириш вазифаларига бағишланган суҳбатлар бўлади.

Ягона сиёсий кунда партия комитетларининг сиёсий докладчилари ҳамда область партия комитетининг масъул ходимлари қатнашадилар.

Долзарб мавзу

Завод юмушингизни бажариб беради

ёки қулай ва фойдали усулни жорий этишга нималар ғов бўляпти?

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш учун халқ депутатлари Советларининг ролини янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети аҳолига ҳақ олиб кўрсатиладиган хизматларни ривожлантириш борасида муайян ишларни амалга ошириб келяпти. Лекин бу ишларни ҳали шу кун талаблари даражасида, деб бўлмайди. Бу соҳадаги ишлар ҳали оқсамоқда. Ҳали кўплаб муаммолар ўз ечимини кутмоқда...

Айтайлик, сиз ўз уйингизни ремонт қилдирмоқчисиз, ёки эшик-деразага буюртма бермоқчисиз. Аммо вақтингиз тиғиз, имкониятингиз ҳам йўқроқ. Шундай пайтда узоққа бориб ўтиришнинг ҳожати қолмайди. Ортиқча овора бўлмайсиз. Ўзингиз ишлаётган завод ёки фабрика қошида ташкил этилган ҳақ олиб кўрсатиладиган хизмат бўлимига буюртма берасиз. Улар уйингизни тез ва соз ҳамда арзон ремонт қилиб беришади. Қарабсизки, вақтингиз ҳам, оилавий бюджетингиз ҳам тежалади.

Аммо афсуски, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳали бу кўп жойларда орзу бўлиб қоляпти. Лекин бу ишни йўлга қўйса бўлади. Айни пайтда шаҳримиздаги кўпгина корхона ва ташкилотлар қошида шундай хизматлар ташкил этилган.

— Кўпинча ишчиларимиз квартираларини ремонт қилиш, айвонларига ром тайёрлаб бериш, электр симларини ўтказиб бериш каби масалалар билан мурожаат қилишади, — дейди Тошкент агрегат заводи бош иқтисодчиси Нина Алексеевна Русакова. — Баъзан имкониятларимизга қараб, уларнинг илтимосларини қондирамиз. Бундай ишларни заводимиздаги ремонт ва электр цехлари мутахассислари бажариб беришади. Ишчилар бундан жуда мамнун бўлишмоқда. Аммо айрим пайтларда бизда ремонт учун материал-ресурслар етишмайди. Менимча, энг аввало мана шу масалани ҳал этиш керак. Бу хизмат тури ҳали янги. Унинг ўзига яраша қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш зарур.

Тўғри, иқтисодчининг гапида жон бор. Кўпгина корхоналарда ҳали бу ишлар ўлда-жўлда ётибди. Бундай хизматларни ташкил этиш, уларни керакли асбоб-ускуналар, материал-ресурслар билан таъминлаш оқсамоқда. Бундай хизматнинг норматив ҳужжатларини ишлаб чиқиш керак бўлади.

Бироқ, шунга қарамай, бу борада шаҳардаги маиший хизмат корхоналари сезиларли ишларни амалга оширмоқдалар. Шу йилнинг январь-апрель ойларида маиший хизмат корхоналари пландаги 30 та ўрнига 33 хил хизмат турини жорий этдилар. Улар металл панжаралари, газ плиталари устига темир тўсқичлар ва бошқа рўзғорда асқотадиган жуда кўплаб ана шундай буюмларни тайёрлаб бермоқдалар. Маиший хизмат корхоналарида буюртма орқали фильмоскоп, фотодиапроектор, фотоэкспонометрлар ва бошқа мураккаб буюмлар ҳам ремонт қилиб берилмоқда.

Жорий йилнинг бошидан бошлаб ҳақ олиб кўрсатиладиган хизматга шаҳардаги корхоналар ва ташкилотларнинг 75 проценти жалб этилди. Шу йил учун жуда тиғиз план қабул қилинди. Унинг ҳажми 395,2 миллион сўмликни ташкил этади.


Аҳолига турли хизматларни кўрсатиш мақсадида бу ишга кенг қамровда ихтисослаштирилмаган корхоналар ва ташкилотлар, шу жумладан, лойиҳа ва илмий-тадқиқот қурилиш — монтаж, спорт ва маданий-оқартув ҳамда бошқа ташкилотлар жалб этилмоқда. Шунга қарамай, тўрт ойлик якунига кўра маиший хизмат кўрсатиш бўйича ҳақ олиб кўрсатиладиган хизмат плани бажарилмай қолди. Шунингдек, бир қатор корхоналар ҳам ҳақ олиб кўрсатиладиган хизмат бўйича тўрт ойлик план-топшириқларини бажара олмадилар. Масалан, «Средазтранссстрой» тресги 17 минг сўмлик, «Ташметрострой» трести 26,7 минг сўмлик, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси 24 минг сўмлик, Тошкент авиаотряд бирлашмаси 18,3 минг сўмлик, «Главташкентстрой» 223,1 минг сўмлик хизмат кўрсатолмадилар.

Планни бажаролмаган корхона ва ташкилотлар иши шаҳар план комиссияси томонидан кўриб чиқилди, планларга ўзгартишлар киритилди ва улар чуқур таҳлил қилиниб, мазкур соҳада банд бўлган мутасаддилар билан семинар-йиғилиш ўтказилди. Уларга аҳолига ҳақ олиб кўрсатиладиган хизмат турини ривожлантириш тавсия этилди. Улар ҳақ олиб кўрсатиладиган хизматлар турини кўпайтириш резервларини аниқлашлари ва бу соҳадаги ишга эътиборни кучайтирмоқликлари керак. Чунки аҳолига кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва хизмат кўрсатиш тармоқлари соҳасини ривожлантириш комплекс программаси партия ва ҳўкуматимизнинг доимий диққат-эътиборида турибди. Зеро, бу КПСС XXVII съезди қарорларини оғишмай бажаришга, халқ фаровонлигини тинмай оширишга хизмат қилади.

З. АБДУЛЛАЕВ,

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар план комиссиясининг ҳақ олиб кўрсатиладиган ва маиший хизмат бўлими бошлиғи ўринбосари.

Замондошимиз



ДУРАДГОР

Халқимиз азалдан дурадгорлик касбини эъзозлаб келади. Бу бежиз эмас. Негаки, бу касб эгалари бунёд этган маҳсулотлар уй-жойлар кўркини очади, кишига опам-олам завқ бағишлайди. Бундан ташқари дурадгорлик маълум маънода ўзига хос ижодий иш ҳисобланади. Муттасил изланиш, қунт, ўзига талабчанлик бу касб эгаларига хос бўлган ҳислатлардир.

«Главсредазирсовхозстрой»ға қарашли ёғочни қайта ишлаш комбинатида дурадгорлар кўп. Бизга Шомил Усмоновни уларнинг орасида энг илғори деб тавсиялашди. Албатта, катта коллектив ичида ном қозониш, ўз касбига ихлос қўйиб, бошқаларнинг ҳавасини келтирадиган иш қилишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун аъло даражада маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ҳар қандай рақобатга бардош бера оладиган бўлиш, қатъият ва изчиллик билан зўр бериб ишлаш, энг муҳими ишнинг сифат жиҳатидан аъло даражада бўлишига эришиш лозим. Ш. Усмонов бунга эришяпти.

У аслида Оренбургда туғилган. Тошкентга келиш тарихи қизиқ бўлган. Унинг опаси бундан ўн беш йил муқаддам тошкентлик йигитга турмушга чиққан эди. Опаси кейинчалик уни шаҳри азим Тошкентга келишга таклиф этди. У опасининг гапини қайтармади. Тошкентга бажонидил кўчиб келди. Ҳозир у оиласи билан шу ерда яшаб, меҳнат қиляпти. Юқорида айтганимиздек, у корхонада дурадгорлар ўртасидаги социалистик мусобақада пешқадамлик қилиб келяпти.

Ишга астойдил садоқат, ҳамиша бошқаларга намуна бўлишга интилиш унга муносиб обрў-эътибор келтирмоқда. Коллектив унга катта ишонч билдириб, Собир Раҳимов район Советига депутат этиб сайлади. Комсомол аъзоси Ш. Усмонов ишлаб чиқарш топшириқларини ҳамиша ортиғи билан, аъло сифатли қилиб бажариш билан бир қаторда ўз эммасидаги жамоат топшириқларини ҳам сидқидилдан адо этишга интиляпти. Коллектив аъзоларининг қувончи ва ташвишларига доимо шерик, уларга ҳамиша ёрдам қўлини чўзишга тайёр. Шу кунларда у Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига муносиб меҳнат совғалари тайёрламоқда.

СУРАТДА: Ш. Усмонов.

Т. Каримов фотоси.

Меҳнат семестрига шай

Шу кунларда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институти кўнчилик студентларининг дарс жадваллари бир мунча кенгайган. Ҳафтада бир марта меҳнат фронти иштирокчилари учун техника хавфсизлиги бўйича суҳбатлар олиб борилмоқда.

— Ўтган йили, дейди институт комсомол комитети секретарининг ўринбосари Ф. Орифжонов, — 50 та сараланган отряд Киев областининг Макаров районидаги Чернобиль атом электр станцияси ишчилари учун уй-жой қурилишида қатнашди.

«Ўзбекистон» отряди Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилиши Тагарин шаҳрида меҳнат қилди. Бу отряд республикамиз отрядлари ўртасидаги социалистик мусобақада фахрли учинчи ўринни эгаллади. Студентларимиз ўтган меҳнат семестрида 4 миллион сўмлик иш бажаришди.

Бу йил ҳам асосан ўша адресларга бориб меҳнат қилишади. Олтой ўлкасига 300, Хабаровскка 350, Приморье ўлкасига 30, Гагарин шаҳрига 25 ва Жиззах, Сурхондарё областлари, Тошкент области ва шаҳри қурилишларига 60 киши боради. Бундан ташқари пискентликлар учун уй-жой қурилишларида иштирок этилади. Илм масканида 1800 студентдан иборат 56 отряд тузилган. «Альгоритм» 180 минг сўмлик, «Восток» отряди 200 минг сўмлик, «Кристал» 135 минг сўмлик иш бажаради.

Олий ўқув юрти ёшлари жами бу йил 4 миллион 50 минг сўмлик иш бажаришга аҳд қилишган.

Д. ОБЛАЕВ.

Билимга пухта замин

В. И. Ленин номидаги Тошкент педагогика билим юртини яқин орада ёш кадрларнинг янги отряди битириб, мустақил меҳнат қучоғига йўлланма олади. Ёш педагог уларни бошланғич таълимнинг актуал масалалари билан яқиндан таништириш, ўқитишнинг илғор усул ва методлари билан қуроллантириш мақсадида кадрлар масканида илмий-методик конференция ўтказилди. Тошкент Давлат педагогика институти, Педагогика фанлари илмий-текшириш институти, Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти олим ва методистлари бу тадбирни ўтказишда фаоллик кўрсатдилар.

Конференцияни билим юртининг директори К. Солижонова очди. «Мактаб ислоҳоти талаблари асосида ўқувчиларни меҳнатга тайёрлашнинг актуал масалалари ҳамда уни ўқитишнинг методикаси», «Куни узайтирилган группаларда машғулотларни ташкил этиш», «Бошланғич синфларда меҳнат таълимининг методик масалалари», «Ўқув-тарбия жараёнида электрон-ҳисоблаш машиналарни қўллаш» каби мавзуларда педагогика олий ўқув юртларининг етакчи методист олимлари докладлар билан чиқдилар. Конференция давомида учта секция иш олиб борди.

А. АЛИЕВ.

Саёҳат—роҳат

Жонажон ўлка бўйлаб

Фридрих Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти касаба союз ташкилоти профессор-ўқитувчилар, инженер-техник ходимлар ва студентларнинг мароқли дам олиши, кўнгилли ҳордиқ чиқариши ҳақида ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси йўлланмаси билан улар яқинда Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива шаҳарларига поездда уч кунлик саёҳат қилдилар. Фрунзе шаҳрига уч кунлик самолётда саёҳат уюштирилди. Автобусда 30 киши Тошкент — Фарғона — Ҳамзабод маршрути бўйлаб саёҳатда бўлди. Саёҳат давомида институт ходимлари республикамиз дала меҳнаткашларининг юмуши, саноат корхоналари билан танишдилар. Қўшни Қирғизистон республикасининг «Қадамжой» сурма ишлаб чиқариш комбинати ва унинг илғор ишчилари ҳузурида бўлдилар. Ниҳоят саёҳатчилар Ҳамзабодга келиб, таниқли ўзбек революцион шоири ва драматурги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳаётининг сўнгги даврлари, республика хотин-қизларининг озодлиги, паранжи ташлаш ва саводсизликка қарши кураш тарихи билан танишдилар. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номли музейда бўлдилар.

К. ЖУМАНИЁЗОВ.

СЧЁТ № 000700778. ПАРОЛЬ: ОРОЛ ФОНДИ

Тошкентда Ўзбекистон ССР давлат банкининг Куйбишев район бўлимида № 000700778-счёт очилди. Бу счёт Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ҳузурида жамоатчилик асосида тузилган «Орол» комитетининг ҳисоби бўлиб, ҳар бир алоқа бўлими (почта)дан ўтказилган пул шу счётга келиб тушаверади.

Комитет олдига қўйган ва умуммиллий бебаҳо «дурдона» — Орол денгизини қутқариб қолиш реал йўлларини излашни кўзловчи дарҳақиқат одижаноб мақсадни кўп кишилар маъқуллаяпти. Бундай кишилар Ўзбекистондан ташқарида ҳам бор. Орол фондига пул ўтказиш хоҳишини дастлаб билдирганлар орасида ёзувчи Чингиз Айтматов, СССР космонавт-учувчиси Владимир Жонибеков, таниқли совет генетик-олими академик Н. П. Дубинин бор.

— Бугунги кунда биз бир ярим минггa яқин хат олдик, — деди мухбир билан суҳбатда комитет раиси Пирмат Шермуҳамедов. — Бу хатларнинг авторлари — меҳнаткашлар коллективлари, жамоат ташкилотлари ва ҳаваскорлик ташкилотлари, айрим граждалар комитетимиз мақсадларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганликларини, шахсан иштирок этиб, ёки кўнгилли ионалар билан уни амалга оширишга ҳамма чоралар билан ёрдам беришга тайёрликларини изҳор этмоқдалар. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети ва Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг студентлари, Ўзбекистон пойтахти Акмал Икромов районидаги Фурқат номли маҳалла комитети, ўз республикамиздаги, шунингдек, бошқа республикалардаги кўпгина шаҳарлар ва қишлоқларнинг аҳолиси-ишчилар, пахтакорлар, зиёдларнинг вакиллари, ўқувчилар, пенсионерлар ана шундай яхши ва саховатли хатлар юбордилар. Газетхонлар бу хатларнинг бир қисмини ўзлари ўқишлари мумкин, улар «Совет Ўзбекистони», «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда», «Ёш ленинчи» газеталарида ва бошқа газеталарда эълон қилинди.

Бундай мададкордиклар кишини қувонтиради, унга умид бахш этади, Орол денгизини қутқариб қолиш учун ғоят қатъий қурашга руҳлантиради. Орол тақдирига жуда кўплаб кишилар бефарқ эмас эканлар. Оролни сувга тўлдириш илмий-ҳўжалик лойиҳаларини амалга ошириш учун йиққан фондимиз етмайди, албатта. Бу маблағлар бошқа мақсадларни: «Орол проблемалари» ташвиқотини ташкил этиш ва бу ҳақдаги маълумотлар ошкора бўлишини таъминлашни, бу проблемалар хусусида ғоят кенг жамоатчилик фикр-мулоҳазаларини ўртага қўйишни кўзлайди. Мана шу борада биз одамларнинг ишончини, уларнинг орзу-умидларини оқлаш учун мумкин бўлган ҳамма ишларни қилишимиз керак.

Комитетимизнинг биринчи мажлиси ўтганидан кейин матбуотда шаънимизга айтилган таниқд сўзларини мамнуният билан қабул қилиб, комитет составини бошқатдан кўриб чиқдик, ишйўналишларини янада аниқлаб олдик. Ишчи комиссиялар тузилиб, уларга Чордара, Тахиатош, Туямўйин, Амў — Бухоро, Қарши, Қорақум каналлари каби Орол регионининг ҳаёт таъминоти билан боғлиқ конкрет зоналар ва сув магистралларидаги ишларнинг ҳолатини ҳар томондама ўрганиб чиқиш вазифалари топширилди. Шу комиссиялар фаолиятининг натижалари, таклифлари ва тавсиялари тўғрисида жамоатчиликни, албатта, хабардор қиламиз. Москвада, СССР гидрометорологияси Давлат комитети ҳузурида тузилган Орол денгизи проблемалари комиссияси билан алоқа ўрнатилди, бир қанча таниқли олимлар, мутахассислар, жамоат арбобларига шу проблемалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини айтиш таклиф этилди. Комитет фаолияти билан алоқадор барча масалалар юзасидан Ўзбекистон жамоатчилигини ҳам мунтазам равишда тўла хабардор қилиб турилади.

(ЎзТАГ).

Қуйи партия ташкилотларида

ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛЛАРИДА

Бугунги кунда йирик шаҳар ҳаётини транспортсиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса, троллейбус хўжалигини қайта қуриш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, унинг такомиллашган, ҳар томонлама қулай бўлган намуналарини яратиш энг муҳим вазифалардан қилиб қўйилди. Шу боисдан ҳам коммунистлар жадаллаштириш йўлларида олдинги сафда бормоқдалар. Жамоатчи мухбиримиз Чилонзордаги 2-троллейбус депоси эксплуатация бўлимининг бошлиғи, Меҳнат Қизил Байроқ ва Ленин ордени кавалери Хайрулла Хусанович Рўзиев ҳузурида бўлиб унга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Корхона коммунистлари сиёсий ва иқтисодий таълим системасида ўқув йилини қандай якунладилар?

— Депомизда 59 КПСС аъзоси ва 4 КПСС аъзолигига номзод мавжуд. Пропагандистлар биринчи навбатда КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқув системасини қайта қуришнинг Асосий йўналишлари» лойиҳасига амал қилган ҳолда машғулотларни мазмунли, ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб бордилар. Бу фойдали усул ўз самарасини кўрсатди. Биринчи навбатда ҳайдовчи ва ремонтчиларимиз аттестациядан муваффақият билан ўтдилар. Ўз навбатида прогулчи ва ичкиликбозлар сафи кескин камайди. Кадрлар қўнимсизлиги 10, троллейбуслар-нинг бузуқлиги сабабли йўловчилар хизматидан қайтиб келиши 8 процент камайди. Тажрибали коммунистлар энг қолоқ участкаларга бириктириб қўйилди.

— Корхонамиз йил мобайнида янги типдаги троллейбуслар билан бойиб бормоқда. Ҳар куни депо дарвозасидан 118 та машина 2, 6, 7, 11, 12, 13, 16, 19-маршрутлар бўйлаб ҳаракат қилади. Улар ҳаракат жадвалига риоя қилган ҳолда 23 минг километр йўл босади, 161 минг йўловчи манзилини яқин қилади. Маршрут коммунистлари қайта қуриш йўлларида ижодий изланмоқдалар.

11- ва 13-троллейбус маршрутига КПСС аъзоси Мухтор Отабоев бошчилик қилиб келяпти. Йўловчиларга троллейбус хизматини такомиллаштиришда ҳар томонлама қулай бўлган намуналарни яратиш коммунистларнинг муқаддас бурчига айланди. Машиналарнинг бир маромда қатнашини таъминлаш бўйича маршрутлараро социалистик меҳнат беллашуви доим қизғин. Авариясиз юрувчилар мастери Турғун Шеров, Раҳмон Қўчқоров, Геннадий Трудов, Шамил Галметдиновлар ёшларга ҳайдовчилик билимини ўргатиш билан бирга ўзларининг ибратли ахлоқ ва одоблари билан ҳам намуна бўлмоқдалар. Социалистик мусобақа эстафетаси байроғини баланд кўтариб келаётган Н. Пўлатов, Ф. Муҳаммадқулов, Н. Қурбонова, К. Жанаков, М. Ярославцоваларнинг кўксида «Авариясиз 500.000 километр» фахрли нишони порлаб турибди.

— Меҳнат интизомини менсимаётганларга қарши курашда коммунистларнинг иш самараси ҳақида гапириб берсангиз.

— Коммунистлар фаолиятини қайта қуришни амалга оширилаётганда таълим-тарбия савияси ва кадрлар тайёрлаш даражасига алоҳида эътибор бердик. Ичкиликка ружу қўйган В. Лошманов, А. Боль, В. Слесаренколар мунтазам прогулчиликка йўл қўйдилар. Ўз касбига эътиборсизлик билан қараган шахслар билан суҳбатлашдик, огоҳлантирдик, ўртоқлик судида муҳокама этдик. Коллективни менсимаган ўзбошимчаларни охири сафимиздан ҳайдадик. Ҳозирда уларнинг ўрнини ёш малакали ҳайдовчилар тўлдирди.

— Ремонт сифат ва самарадорлигини такомиллаштириш йирик масалалардан бири. Айтингчи, ремонт даражасини юқори кўтаришда коммунистлар қандай даъват этиляпти?

— Троллейбус ремонтини тубдан қайта қуриш ҳар бир КПСС аъзосининг масъулиятли бурчига айланди. Ҳаракат графигини қайта ишлаб чиқиш натижасида троллейбусларнинг техник кўригидан ўтказиш системасига ҳам ўзгартиришлар киритилди. Эндиликда, ҳайдовчилар техник нуқсонларни бартараф этишда ремонтчилар билан бирга қатнашмоқдалар. Бу қулай усул иш самарадорлигини оширди. Иккинчидан, К. Отамуҳамедов, В. Кузнецов, Ж. Ҳамроҳонов сингари коммунистлар ўз касбларига фидокорликлари туфайли юксак унумдорликка эришдилар. Оқибат, юқорида айтганимиздек троллейбусларнинг носоз техник нуқсонлари сабабли йўловчилар хизматидан олиниши 8 процентга қисқарди. Кўриниб турибдики, коммунистлар масъулиятли ишларни бажаришда ҳамиша олдинги сафдалар. Улар намунали меҳнатлари, юксак фазилатлари билан олқиш олмоқдалар.

— Транспортнинг аниқ маромда ишлаши ҳайдовчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришига, дам олиш уйлари ва санаторийларда соғлиқларини тиклашига ҳам боғлиқ. Шундай эмасми?


— Албатта. Коллективимиз хорижий мамлакат ва Совет Иттифоқи бўйлаб уюштирилган туристик саёҳатлардан баҳрамандлар. Депоимизда медицина пункти, бошқармада даволаниш поликлиникаси ва касалхонаси транспортчилар соғлиғини тиклашда катта ғамхўрлик қилиб келяпти. Корхонамизда ҳайдовчилар учун дам олиш хоналари, сартарошхона ва омонат кассаси мунтазам ишлаб турибди. Янги ошхона фойдаланишга топширилди. Территориямизда очилган озиқ-овқат магазини филиалидан гўшт ва мева-сабзавот маҳсулотларини харид қилиб турибмиз. Бундай қулай афзалликларга эга бўлишимизда коммунистларнинг ташаббускорлиги яққол сезилди.

— Қайта қуриш жараёнини жадаллаштириш йўлида социалистик мусобақа ҳақидаги фикрингиз ва коллектив режалари қандай?

— Барча бригада ва маршрутларда ташкил этилган социалистик меҳнат беллашуви қайта қурилишини тақозо этди. Қолоқ ишчилар коммунистлар оталиғига олинди. Ўз устида қунт билан ишлаш, ғоявий ва сиёсий чиниқиш, илғорлар тажрибасини ошкор этиш коммунистларнинг муқаддас бурчига айланди.

Партия-хўжалик активи йиғилишида Улуғ Октябрь байрамининг 70 йиллиги шарафига ўн иккинчи беш йилликнинг икки йиллик йўловчилар ташиш планини шараф билан адо этишга аҳд қилдик. Пландан ташқари 400 минг аҳолига юксак маданий хизмат кўрсатиб давлатга 14,5 минг сўм топширамиз. Машиналарнинг кундалик ишини 11,6 соатга чиқарамиз, ҳаракат мунтазамлигини 94 процентга кўтарамиз. Қайта қуриш ва ижодий изланиш йўлида 60 та рационализаторлик таклифини ҳаётга тадбиқ этиб 19 минг сўм соф фойда оламиз. 16-троллейбус «Йўловчиларга намунали хизмат кўрсатувчи маршрут», 11-троллейбус «Комсомол-ёшлар маршрути» фахрли номини олишга эришамиз.

Суҳбатни
Ф. АБДУРАҲИМОВ
ёзиб олди.



Михаил Сидельников Тошкентдаги «Промсвязь» тажриба заводига ишга келганига тўрт йил бўлди. Қисқа вақт ўтишига қарамай, у радио аппаратларни йиғувчи касбдошлари ўртасида муносиб обрўга эришди. Илғор ишчи комсомол аъзоси, цех комсомол комитетининг секретари. Бундан ташқари жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади. У Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига атаб йиллик топшириқни муддатидан илгари бажаришга аҳд қилган.

Т. Каримов,
Э. Зоҳидов фотоси.

«Тошкент миллиони» «Оқшом» назоратида

ЖАДАЛЛАШТИРИШ МАРРАЛАРИ

334 минг квадрат метр — «Главташкентстрой» шу йилнинг беш ойи ичида шунча турар жойни ишга туширди.

Топширилган турар жойларнинг 80 процентдан зиёдроғи йирик панелли ва қисман ҳажмли-блокли уйлардир. Ҳа, Тошкентда ҳар йили 800 минг квадрат метрдан ортиқ замонавий қулай турар жойлар тайёрлаш ва қуришга мўлжалланган уйсозликнинг қудратли базаси яратилган. Уйсозлик комбинатлари беш ойлик топшириқни қандай кўрсаткичлар билан якунладилар, биринчи ярим йилликда ишга тушириладиган объектлар программасини муваффақиятли бажариш учун июнь ойида нималар қилиняпти? Июнь ойида камида юз минг квадрат метр турар жой фойдаланишга топширилиши кераклигини эслатамиз.

1-УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИ

Комбинат коллективи январь — май ойларида 120 минг, кўзда тўтилганидан етти минг квадрат метр кўп турар жойни фойдаланишга топширди. Яна шуниси диққатга сазоворки, ишга тушириш ойлар бўйича бир меъёрда олиб борилди. Уйсозларнинг аниқ маромда ишлаши шаҳарликлар учун нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Кўриниб турибдики, Тошкентдаги саноат уйсозлигининг тўнғич корхонаси юқори ва барқарор ишлаб чиқариш кўрсаткичлари туфайли ҳамон олий ҳимматга сазовор бўлмоқда. Комбинатда «завод-комплектация-транспорт-қурилиш» схемаси бўйича ишлаб турган мавжуд аралаш потокларни тўла иш билан таъминлашга қаратилган тадбирлар, сифатни бошқариш комплекс системасини жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Бажарадиган операцияларни ҳар хил бўлган потоклар системасида М. Ошчепков ва А. Куракин бошлиқ монтажчилар, А. Тўлаганов етакчилик қилаётган пардозловчилар бригадалари ва бошқалар ҳамжиҳатлик ва юқори унумдорлик билан меҳнат қилмоқдалар. 24-қурилиш бошқармасидан бригадир С. Маҳмудов раҳбар бўлган поток Юнусободдаги СВ-4 массивида 60 хонадонга мўлжалланган турар жой биноси қурилишида норматив муддатни қирқ кунга камайтиришга ва план харажатларини 11 минг сўмга қисқартиришга муваффақ бўлди.

Уларнинг маҳорати ва куч-ғайратлари туфайли қурилиш ишлаб чиқариши ягона саноат-бинокорлик конвейерига айланган. Бу сакқиз ва тўққиз қаватли уйлар қурилишига ҳам тўла тааллуқлидир. Ҳолбуки, яқин вақтларгача 1-уйсозлик комбинати фақат тўрт қаватли биноларни бунёд этарди.

2-УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИ

Бошқармада тўққиз қаватли бино комплектларини ишлаб чиқариш ва қуришга ихтисослашаётган иккинчи комбинатни хўжаликни моҳирона бошқаришда ибрат кўрсатаяпти, дейишади. Масалан, май ойида уйсозлик комбинати 1987 йилда қарийб 140 минг квадрат метр турар жойни нормативдан муддатида қуриш юзасидан бошқарма билан шартнома тузиб, коллектив пудратига ўтди. Шуни очиқ айтиш керакки, ишнинг бошланиши умидбахш. Коллектив 72,6 минг квадрат метр миқдордаги уйларни топшириб, ишга тушириладиган объектлар олти ойлик программасини муддатидан илгари адо этди, яхшигина фойда олди. Уларни топшириш давом этмоқда.

Комбинатда ишлаб чиқаришнинг комплекс инженерлик тайёргарлик планлари биринчи шахсдан тортиб бевосита ижрочигача — қурилиш-монтаж жараёнининг барча иштирокчилари учун раҳбар ҳужжатга айланиб қолган. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини яхшилаш, икки ва уч сменада ишлаш, объектларни нафақат кварталлар ва ойлар, балки кунлар бўйича бир маромда ишга тушириш, завод цехлари ва қурилиш майдонларидаги операцияларни комплекс механизациялаш, конструкцияларни «ғилдирак»дан монтаж қилиш, бригадаларнинг кенг кўламли составини танлаш ва уларни иш билан тўла таъминлаш ишлаб чиқаришнинг комплекс инженерлик тайёргарлигига асос қилиб олинган. Буларнинг ҳаммасини 4-қурилиш бошқармасидан В. Садамахин, 3-монтаж бошқармасидан В. Душехватов, 25-қурилиш бошқармасидан И. Нишонов, 1-пардозлаш ишлари бошқармасидан А. Тўлаганов бошлиқ бригадалар ва бошқа меҳнат коллективларининг ишлаб чиқариш фаолиятида яққол кўриш мумкин.

3-УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИ

Бу комбинат ўтган йили «Жилстрой» трести ва 4-уйсозлик комбинатини бирлаштириб ташкил этилган. Бошқарманинг эслатиб ўтилган актив йиғилишида унинг раҳбарлари йирик панелли уйсозлик заводи цехларида ва бир қатор қурилиш майдонларида етарли тартиб ўрнатилмагани учун кескин, лекин адолатли танқид қилинган эди. Хусусан, сменалар ичида иш вақти зое кетишининг кўплиги, бинокорлик техникаси, айниқса кўтарма механизмлардан ёмон фойдаланилаётганлиги таъкидланган эди.

Ўша танқиддан маълум хулоса чиқариб олинган бўлса керак, ишни яхшилаш учун амалий қадамлар қўйилмоқда. Май ойида уйсозлик комбинати 33,5 минг квадрат метр, тахминан олдинги тўрт ой мобайнида қанча бўлса, шунча уйни ишга туширди. Силжиш кўриниб турибди, лекин бу хотиржамлик ва бепарволик учун асос бўлолмайди. Май ойида қанча уй топширилган бўлса, июнда ҳам шунча уй ишга туширилиши керак. Шундагина олти ойлик план бажарилди, деб рапорт бериш мумкин бўлади. Бу осон вазифа эмас, уни ҳал этиш завод ишчилари ва бинокорлардан тўла куч-ғайратни талаб қилади.

Ҳозирги кундаги асосий вазифа — ишга тушириладиган объектларнинг конструкцияларга, буюмларга ва материалларга бўлган эҳтиёжини тўла аниқлашдан, ишлаб чиқаришнинг юк ташиш, монтаж қилиш ва пардозлаш жараёнлари ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашдан, қурилиш-монтаж конвейерини оқилона ташкил этишдан иборат. Афсуски, ҳамма жойда ҳам иш шундай эмас. Мана бир мисол:

Новополоцкий кўчасида, Миробод бозори ёнида ТашЗНИИЭП институтининг лойиҳаси бўйича 1985 йилда ўрта Осиёда биринчи ёйиқ монолит 16 қаватли эксперименталь йирик панелли уй қурилиши бошланган эди. Икки йилдан ортиқроқ вақт ичида нима иш қилинди? Пойдевор учун чуқур қазилди, бино пастки қисми блоклари пайвандланди, биринчи қаватнинг бир қатор панели ўрнатилди, холос.

ҲАЖМЛИ-БЛОКЛИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬ УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИ

Сергелидаги ҳажмли-блокли экспериментал уйсозлик комбинатининг конвейеридан дастлабки блок-хоналар тушганидан бери тахминан бир йилча вақт ўтди. Ўша йўлдош шаҳарчага кираверишда улардан дастлабки учта, мафтункор архитектурага эга бўлган тўққиз қаватли уйлар қурилди. Уларнинг ички планлашуви ҳам ҳовли тўйини ўтказганларга ёқиб тушди.

Мутахассисларнинг фикри бундай заводда тайёрланган ҳажмли-блоклардан бино қуришда саноат уйсозлигининг афзалликлари янада тўлароқ акс этади. Гап шундаки, меҳнат операциялари деярли бутунлай механизациялашган ва автоматлашган саноат-бинокорлик жараёнига айланади. Бажариладиган иш ҳажмининг бешдан тўрт қисмини завод цехларида амалга ошириш мумкинлиги ҳисоблаб чиқилган.

Беш ой мобайнида 18 минг квадрат метр турар жой фойдаланишга топширилди. Ярим йиллик планга етиш учун яна битта уйни топшириш лозим. У ҳозир пардозланмоқда, муддатида тайёр бўлади, деган умид бор.

Кўриниб турибдики, корхонанинг пировард маҳсулот кўрсаткичлари — 120 минг квадрат-метр ғоят камтарона. Шунинг учун бош вазифа айни вақтда блокларнинг заводдаги тайёргарлиги даражасини оширган ҳолда комбинатни лойиҳа қувватига иложи борича тезроқ олиб чиқишдан иборат. Ёш, ғайратли ва ташаббускор директор С. Степанов, унинг ҳамкасблари коллектив билан мустаҳкам алоқада бўлиб, бу вазифани ҳал этиш учун ҳамма ишни қилмоқдалар. Гап фақат ишлаб чиқаришни оширишдагина эмас, балки монтаж ва пардозлов бўлинмалари имкониятларини кенгайтириш, жалб этилган ташкилотлар, даставвал «СтройМеханизация» ва «Ташгранспецстрой» билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйиш керак, чунки бу ташкилотларнинг бригадалари ер қазиш ва ободонлаштириш ишларини замонавий ҳамда сифатли бажаришда уйсозларга ҳақиқий шерик бўла олмадилар. Ҳажмли-блокли уйсозлик янги, лекин истиқболи порлоқ соҳа, шунинг учун у бу ишга алоқадор кишиларнинг каби бошқарма томонидан ҳам ҳар томонлама ёрдамга ва қўллаб-қувватлашга муҳтождир.

Уйсозлик саноати корхоналарининг коллективлари турар жойларни бунёд этаётган трестлар билан биргаликда илғари йўл қўйилган қолоқликни бартараф этишга, жуда катта аҳамиятга молик социал вазифаларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўшишга азму қарор қилганлар.

И. АХМЕТОВ.

ИЗОҲ: ушбу материалда фақат «Главташкентстрой» бўйича маълумотлар келтирилган, шаҳарда турар жой биноларини бунёд этаётган бошқа пудрат қурилиш ташкилотларининг ишлари ҳисобга кирмаган.

1987 йилнинг январь — май ойларида турар жойларнинг ишга туширилиши (умумий (фойдали) майдони квадрат-метр ҳисобида).

Қурилиш ташкилотлари	План			
	бир йилга	январь — июнь ойларига	бажарилган	январь — июнь планининг бажарилиши процент ҳисобида
Бошқарма — жами	938601	436158	333807	77
Шу жумладан:				
4-трест	48753	27652	10167	37
6-трест	5418	2773	—	—
11-трест	15665	15665	10375	66
12-трест	47230	21436	16596	77
153-трест	61861	34892	13059	37
159-трест	20117	2645	2645	100,0
1-уйсозлик комбинати	318627	134466	120401	90
2-уйсозлик комбинати	166500	71421	72600	102
3-уйсозлик комбинати	205526	100756	69625	69
Ҳажмли-блоки экспериментал уйсозлик комбинати	48904	24452	18339	75

«Сифатга кафолат бераман!»

«Малика» бирлашмасининг тикув-бичув цехидан мусобақа пешқадами А. Просина ўз шиорини иш билан мустаҳкамламоқда.

Сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш потокида меҳнат қилар экан, илғор ишчи ўз нормасини 155 процентга етказиб, бутун маҳсулотни биринчи тақдимдаёқ топширмоқда.

Ишга ижодий ёндошиш, илғор технологиядан оқилона фойдаланиш туфайли ана шу кўрсаткичларга эришилди. Бирлашма партия комитетининг аъзоси, халқ депутатлари район советининг депутати Антонина Михайловна Просина корхонада энг яхши мураббийлардан ҳисобланади.

А. Просина Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига пландан ташқари 20 мингта маҳсулот топшириб, беш йиллик икки ярим йилди программасини адо этиш мажбуриятини олган.

(ЎзТАГ).



Соня Маҳмудова «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг филиалида меҳнат қилаётган илғор маркировкачилардан бири. У ана шу участкада ўн беш йилдан буён ишламоқда. Ишчи топшириқларни 120—125 процентдан бажаришга эришяпти. Унинг қўлидан чиққан маҳсулотлар биринчи тақдимдаёқ топширилади.

СУРАТДА: илғор ишчи С. Маҳмудова.
М. Юсупов фотоси.

Дунё хабарлари
ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ

ВАРШАВА. Польша билан Кубани қардошлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик риштлари, марксизм-ленинизмнинг универсал принципларини асосида халқлар тинчлиги, озодлиги ва мустақиллиги, социал адолат учун курашнинг муштарак идеаллари боғлаб турибди, деди ПХР ташқи ишлар министри Мариан Ожеховский. У расмий визит билан бу ерга келган Куба ташқи ишлар министри Исидоро Мальмиерка шарафига берилган зиёфатда нутқ сўзлади. Польша министри Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг тинчлик таклифлари дунёни ядро урушида қирилиб кетиш хавфидан халос этишга кўмаклашади, деб ишонч билдирди.

РЕЖИМДАН НОРОЗИЛИК ИФОДАСИ

ГАВАНА. Сальвадор давлат муассасаларининг минглаб ишчи ва хизматчилари, афғон армияси ҳамда халқ милициясининг аскарлари ва офицерлари Бамиан вилоятидаги хашарда, ихтиёрий меҳнат кунида қатнашдилар. Шу куни сел оқимидан зарарланган йўллар, кўприклар, уйлар ремонт қилинди. Хашар давомида ишлаб топилган пул миллий яраш сиёсати доирасида чет эллардан АДРга қайтиб келаётган афғонларга ёрдам учун махсус банк счётига ўтказилди.

БАХТАР агентлигининг хабар қилишича, яқинда Нангрoptionsар ва Жузжон вилоятларида 99 афғон граждани ватанига қайтиб келди.

АДР революцион ҳукумати илгари аксилинқилобчилик фаолияти учун маҳкум этилган яна 275 маҳбусни Қобулдаги марказий турмадан озод қилди.

ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

БАҒДОД. Ўтган кеча-кундузда фронтнинг шимолий участкасида маҳаллий аҳамиятга молик жанглар давом этди, дейилади Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг навбатдаги ахборотида. Ироқ қўшинларининг олдинги марраларидаги бўлинмалари душман позицияларига кўп марта ҳужум қилди, душман аскарлари ва техникасига талафот етказди. Фронтнинг ана шу участкасида Ироқ артиллерияси ўтидан эронликларнинг ўқ-дори омбори ва бир неча жанговар машинаси яксон қилинди.

Басрадан шарқда ҳам жанглар ва артиллерия отишмалари давом этди.

ИРНА агентлигининг хабар қилишича, Эроннинг узоққа отувчи артиллерияси Басрани яна ўққа тутди. Бир қанча уй-жойлар вайрон бўлди.

НИКОСИЯ. Фронтнинг шимолий ва шимоли-ғарбий участкаларида шиддатли тўқнашувлар бўлди, дейилади ИРНА агентлигининг хабарида. Эрон артиллерияси ўтган кун давомида душман позицияларига ва қўшинлари тўпланган районларга тўхтовсиз ўқ узиб турди.

Басрадан шарқдаги участкада Эрон артиллерияси. Ироқнинг ўнта танкини мажақлаб ташлади.

ИРНА агентлиги Эроннинг соқчи кемалари Хўрмуз қўлтиғи районидаги 13 та савдо кемасини тўхтатганлигини ҳам хабар қилди. Ҳамма кемалар текширилгандан кейин уларга рейси давом эттиришга рухсат берилган.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● НЬЮ-ЙОРК

Америка жамоатчилиги делегацияси (унинг составида АҚШнинг таниқли сиёсий арбоби Жесси Жексон ва АҚШ конгресси вакиллар палатасининг аъзоси Мервин Даймелли бор) Жанубий Кореянинг Вашингтондаги элчиси олдига кириб, ана шу мамлакат маъмурларининг халқ намойишларини шафқатсизлик билан бостиришига қарши норозилик билдирди.

Биз Жанубий Корея ҳукуматини шафқатсиз репрессияларни тўхтатишга ва сиёсий маҳбусларни озод қилишга даъват этдик, деди Жексон Эй-би-си телекомпанияси мухбири билан суҳбатда.

● БУЭНОС-АЙРЕС

Фақат Пиночет диктатураси тугатилган ва диктатура ишлаб чиққан Конституция бекор қилингандагина Чилида чинакам эркин сайлов ўтказиш мумкин. Чили коммунистик партиясининг оппозициячи «Фортин мапочо» газетасида эълон қилинган баёнотида шу ҳақда гапирилади.

● ПАРИЖ

Лиондаги одил судлов саройида суд маслаҳатчиларининг 25-мажлиси очилди. Унда нацист жиноятчи, Лион гестапосининг собиқ бошлиғи Клаус Барбьенинг иши кўриб чиқилади.

Энди судда гитлерчилар қамоқ лагерлари маҳбусларининг, Барбьега даъво қўйган қаршилик кўрсатиш ҳаракати қатнашчиларининг ва тинч аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилувчи адвокатлар сўзга чиқадилар. Жумладан, 1944 йил апрелида гестапочилар яҳудий миллатидаги болалар ва ўсмирларни зўрлаб олиб кетганликлари ҳақидаги ишни олиб борган бир неча адвокат сўзга чиқади. Гитлерчилар уларни Эн департаментидаги Изье деган жойда болалар уйидан олиб кетган эдилар. Барбьенинг фармойиши билан бу болалар ва ўсмирлар қамоқ лагерларига юборилган, уларнинг ҳаммаси ҳалок бўлган.

АДРда ИХТИЁРИЙ МЕҲНАТ КУНИ

КОБУЛ. Давлат корхоналари ва муассасаларининг минглаб ишчи ва хизматчилари, афғон армияси ҳамда халқ милициясининг аскарлари ва офицерлари Бамиан вилоятидаги хашарда, ихтиёрий меҳнат кунида қатнашдилар. Шу куни сел оқимидан зарарланган йўллар, кўприклар, уйлар ремонт қилинди. Хашар давомида ишлаб топилган пул миллий яраш сиёсати доирасида чет эллардан АДРга қайтиб келаётган афғонларга ёрдам учун махсус банк счётига ўтказилди.

БАХТАР агентлигининг хабар қилишича, яқинда Нангрaoptionsар ва Жузжон вилоятларида 99 афғон граждани ватанига қайтиб келди.

АДР революцион ҳукумати илгари аксилинқилобчилик фаолияти учун маҳкум этилган яна 275 маҳбусни Қобулдаги марказий турмадан озод қилди.

УЙНАГАНИ ЭМАС

Филадельфия университетининг илмий-тадқиқот лабораторияси мутахассислари пуфакларни «шиширадиган» қурилмани ихтиро қилишди ва ишлаб чиқаришмоқда. Фақат у совун пуфакларини эмас, балки сатҳи 70 сантиметрли пластмассадан қилинган пуфакларни шиширади. Бундай пуфаклар атроф-муҳитнинг тозалигини сақлаб туришда ёрдам беради. Чанг ва шунга ўхшаш атмосфера зарралари шиширилган пуфакларга ёпишади, сўнгра уларни йиғиб олиб ташлаш енгиллашади.

ИЎҚОТИШ АРЗОНРОҚ

Льеж (Бельгия) шаҳрида истиқомат қилувчи бир аёл ўн етти яшар ўғли билан харид қилиш учун магазинга йўл олди. Масс дарёси устидан ўтувчи кўприкка етгач она ўғлига миниг франкли қоғоз пулни бериш учун тўхтади. Бироқ, бирданига кўтарилган шамол она қўлидаги пулни учириб кетди ва пул учиб бориб кўприк устунига ёпишиб қолди. Ўт ўчириш командаси чақирилди. Азамат йигитлар бир зумда сувга қайиқ туширишди ва пулни онага қайтаришди. Бундай холис хизматдан хурсанд бўлган она ва бола йигитларга ўз миннатдорчиликларини билдиришди. Бироқ, бу шодлик узоққа чўзилмади. Бир неча кундан кейин оила уйга келган счётдан ҳангу манг бўлиб қолди. Чунки счетда Масс дарёси устидаги кўприкда кўрсатилган холис хизмат учун онла 9.600 франк тўлаши кераклиги айтилганди.

Калейдоскоп

Маданият ва ҳаёт

ПАНЕВЕЖИС: ШАҲАРНИНГ МАДАНИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ

120 минг аҳолиси бўлган Паневежис шаҳри Литва ССР-да катталиги жиҳатидан бешинчи ўринда туради. Шаҳарда 30 дан зиёд саноат корхоналари мавжуд. Айни вақтда бу шаҳар фаровон, маданий ҳаёт кечирмоқда.

Шаҳарнинг асосий профессионал муассасаси — Литвада Совет ҳокимияти ўрнатилиши билан 1940-йилда ташкил этилган Паневежис драма театридир. Унинг асосчиси, бош режиссёри ва бадиий раҳбари Юозас Мильтинис. Унинг раҳбарлиги остида театр республиканинг 11 профессионал театрлари орасида олдинги позицияларга чиқиб олди, ўлка доирасидан ташқарида ҳам донг таратди. Провинциал театрда Донатас Банионис, Вацловас Бледис, Гедиминас Карка, Альгимантас Маслюлис сингари актёрлар етишиб чиқди, шунингдек кўпгина номлар борки, уларни нафақат театр саҳнасида, балки бир қатор совет ва хорижий фильмларда ҳам кўрамиз. Ю. Мильтинис пенсияга чиққанидан сўнг Донатас Банионис унинг ишининг давомчиси бўлиб қолди. Театр шаҳарнинг маданий ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатмоқда, хусусан, унинг ходимлари бир қанча ҳаваскорлар коллективларига раҳбарлик қилиб келяптилар.

Шаҳарнинг бошқа маданий муассасалари — 4 та маданият уйи, бир неча филиалларга эга халқ кутубхонаси, ўнлаб клублар, бой ўлка музейи, 4 та кинотеатр, спорт саройи ва икки стадиондан иборат.

Паневежис — ёшлар шаҳри. Унинг йигит-қизлари саноат корхоналарида меҳнат қилмоқдалар. Шаҳарда 16 та ўрта умумий таълим мактаби, спорт мактаб-интернати, 3 та махсус ўқув юрти, 5 та ҳунар-техника билим юрти, Каунас политехника институтининг кечки филиали бор. Маданий ҳаракат ташаббускорларга, аниқроғи ёшларга таянади.

Шаҳарда тахминан 11 минг кишидан иборат 700 та турли ҳаваскорлик коллективлари фаолият кўрсатмоқда, шулардан 22 таси халқ коллективи деган фахрий номга эга.

Улар орасида режиссёр Вальдас Ятаутис раҳбарлик қилаётган Литва ССРда ягона халқ ҳаваскорлиги театри алоҳида ўрин эгаллайди. Яқинда ушбу театр ўзининг 25 йиллик юбилейини нишонлади. Унинг труппасида 100 нафар актёр, қўшиқчи, хонанда ва созанда бор.

Имре Кальманнинг «Венгерча рақс маликаси», Ференц Легарнинг «Қувноқ бева» спектаклари ушбу театрнинг энг сўнгги ютуқларидандир.

Болаларнинг севимли Паневежис халқ қўғирчоқ театри учинчи ўн йилликка қадам қўйди. Унинг асосчилари рассом Альбертас Степанка ва унинг рафиқаси актриса Юлия Степанка ҳанузгача коллективга раҳбарлик қилиб келмоқдалар. Театр жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида гастролда бўлган.

Паневежис азалдан қўшиқлар шаҳри ҳисобланади. Савдо ходимларининг «Волунге», медицина ходимларининг «Седула», кабель заводининг «Чюто», вашулачи аёллар группаси ҳамда қанд заводининг эркаклар вокал группаси ва бошқалар кенг донг таратган. Уларга маҳаллий музика мактабларининг ўқитувчилари раҳбарлик қиляптилар. Эҳтимол аъло даражадаги хор маданияти ва анъаналар таъсири бўлса керак, айнан Паневежисда ҳар икки йилда республиканинг шаҳарлараро энг яхши ашулачилар группалари байрами ўтказиб турилади.

Анъанага кўра, шаҳарда оригинал оммавий байрамлар мунтазам ўтказиб турилади... Жумладан, гуллар кўргазмаси ниҳоясига етиб улгурмасдан унга «Гуллаётган боғлар байрами» тадбири уланиб кетади, ободончилик бўйича мутахассисларнинг зарурий консультациялари билан энг чиройли ҳовли-жой ва коллектив боғлар конкурси ўтказилади. Албатта, барча шодиёналар катта концерт программалари жўрлигида янада файзлироқ ўтади. Бир вақтлар асфальтда чизилган болалар расмларининг оммавий байрамлари ташкил этилар эди, кейинчалик бу тадбир маҳаллий мусаввирлар ишлари кўргазмасининг тасвирий санъат Кунига ўсиб етди. Шунингдек, яна шуни эслатиш лозимки, болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кунида асосий иштирокчи ва ижрочилар — мактабгача ёшдаги болаларнинг турли байрамлари, ҳунар ва спортга оид бошқа маданий тадбирларнинг ташкил этилиши нур устига аъло нур бўлаяпти.

Сўнгги вақтларда, мамлакатимизда катта ўзгаришларга олиб келган КПСС XXVII съездидан кейин Паневежис маданий турмушида ҳам янги шабада эсди. Халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Эдвардес Сруогис бошчилик қилаётган шаҳарнинг умумий маданий-спорт комплекси шаклланмоқда. У АПН мухбири Б. Акстинасга шундай деди:

— Маданий ҳаёт, айниқса ўтган йили бошланган ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига давом этаётган халқ ижодиёти Бутуниттифоқ фестивали туфайли активлашди.

Сўнгги пайтларда маданий ишларнинг янги-янги формалари зоҳир бўлди. Ёшлар кенг тарқалган брейк билан шуғулланишга истак билдиряптими, майли, ўз раҳбарига ҳақ тўлаб шуғулланаверсин, ритмик гимнастика ёхуд расм бўлган завқли ўйин билан шуғулланмоқчими, марҳамат. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳамма нарса учун тўланадиган ҳақ меъёрида белгиланган, уни ҳар қандай кишининг ҳамёни кўтаради.

Қизиқишларга кўра, клубларнинг ҳаракати ҳам кенгайди. Масалан, пенсионерлар, уй бекалари, югуриш ишқибозлари, автоҳаваскорлар, планёр спорти иштиёқмандлари ўзларининг бўш вақтларини клубда мароқли ўтказмоқдалар. Оилавий клублар ҳам мавжуд. Ҳозир шаҳарда бундай клублар 40 дан зиёд. Ҳар қандай мавзуда турмушида ҳам янги шабада эсди. Халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Эдвардес Сруогис бошчилик қилаётган шаҳарнинг умумий маданий-спорт комплекси шаклланмоқда. У АПН мухбири Б. Акстинасга шундай деди:

— Маданий ҳаёт, айниқса ўтган йили бошланган ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига давом этаётган халқ ижодиёти Бутуниттифоқ фестивали туфайли активлашди.

Сўнгги пайтларда маданий ишларнинг янги-янги формалари зоҳир бўлди. Ёшлар кенг тарқалган брейк билан шуғулланишга истак билдиряптими, майли, ўз раҳбарига ҳақ тўлаб шуғулланаверсин, ритмик гимнастика ёхуд расм бўлган завқли ўйин билан шуғулланмоқчими, марҳамат. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳамма нарса учун тўланадиган ҳақ меъёрида белгиланган, уни ҳар қандай кишининг ҳамёни кўтаради.

Қизиқишларга кўра, клубларнинг ҳаракати ҳам кенгайди. Масалан, пенсионерлар, уй бекалари, югуриш ишқибозлари, автоҳаваскорлар, планёр спорти иштиёқмандлари ўзларининг бўш вақтларини клубда мароқли ўтказмоқдалар. Оилавий клублар ҳам мавжуд. Ҳозир шаҳарда бундай клублар 40 дан зиёд. Ҳар қандай маданий ишга формаларини, кишиларнинг бўш вақтини қизиқарли ўтказишга хизмат қиладиган ҳар қандай интилишларни қўллаб-қувватлаймиз. Мабодо бирор кимса Паневежисни маданий жиҳатдан сокин провинция деган мулоҳазага борса, мен унинг фикрига қўшилолмайман.



Пойтахтимизнинг Куйбишев райони проспектлари ва кўчалари йил сайин обод бўлиб бормоқда. Уларда бунёд этилаётган янги-янги бинолар, ҳамшаҳарларимизга қувонч бағишламоқда. Бу иншоотлар орасида шаҳар ҳуснига ҳусн қўшадиган яна бир фазилат бор. У ҳам бўлса кишининг диққатини тез жалб этадиган паннолар, шиорлар ва ёдгорликлардир. Бу паннолардa битилган жадаллаштириш ва қайта қуришга доир жанговар сўзлар шу кунниинг руҳини акс эттириб турибди.

СУРАТДА: М. Горький проспектида.

М. Нуриддинов фотоси.

Инсон ва табиат

НОЁБ ТАЖРИБА

Бухоро областидаги жайрон етиштирувчи ихтисослашган питомникда халқаро «Қизил китоб»га ва СССРнинг «Қизил китоб»ига ёзилган нодир ҳайвонларни тиклаш тажрибалари бошлаб юборилди. Бу ерда кенг майдонларга Москва ҳайвонот боғидан қоплон ва приживальский оти кўчириб келтирилди. Бу илмий программадан мақсад ҳайвонлар учун табиий шароитларда уларнинг зотини кўпайтириб, келгусида доимий яшаш жойларига қўйиб юборишдан иборатдир.

Ҳозирча улар иқлимга мослаштирилмоқда. Қоплон Англиядан жуфти келтирилишини кутмоқда. Гап шундаки, СССРдаги ҳамма чўл қоплонларининг зоти бир бўлиб, ҳайвонот боғларидагина сақланиб қолган. Энди соғлом авлод олиш учун бу тажрибага Британия ҳайвонот боғидаги қоплонни жалб этишга қарор қилинди. Икки мамлакат олимлари бу хусусда шартнома тузишган.

Бухоро питомниги билан СССР давлат агросаноат комитети табиатни муҳофаза қилиш институтининг ходимлари бу ишда тузуккина тажриба орттирганлар. Масалан, улар қирилиб битиш хавфида бўлган жайронларни ўн йил мобайнида анча кўпайтиришга муваффақ бўлдилар. Ҳозир улар тўхтатувалоқларни сақлаб қолиш устида меҳнат қилмоқдалар. Бу ерда бўлган жаҳонга машҳур инглиз зоологи Жералд Феррел бу фаолиятга юксак баҳо берди.

* (ЎзТАГ мухбири).

Фан ва техника янгиликлари

СУЮҚ ЎТКАЗГИЧ

Харьков университетида яратилган моддани аввало оддий олмос томчисига ўхшатиш мумкин. Лекин уни магнит майдонига қўйсангиз қиёфасини ўзгартира бошлайди—дам ялпаяди, дам юқа қатлам бўлиб оқади, дам кўпчийди. Олимлар синтез қилган металл негизидаги магнит суюқлик ўзини шу тахлитда тутади.

— Бу модда суюқ металлдаги магнит материаллар — темир ёки никелнинг микроскопик ҳолдаги муаллақ зарраларидан иборатдир, — дейди бу ишларнинг раҳбари профессор И. Тарапов ТАСС мухбирига. — У анъанавий суюқ магнитдан принципиал муҳим сифати — электр ўтказувчанлиги билан фарқ қилади. Шу модданинг бир томчиси анъанавий туташтириш учун ниҳоятда ноқулай икки симни осонгина бириктиради қўяди. Мисол учун, электр машинанинг ҳаракат деталидан қўзғалмас деталига электр сигнал бериш керак, дейлик. Ана шу ҳолда бу томчи жуда қўл келади. Бундай контактлар ток миқдори, ҳатто юзлаб амперга борганида куйиб ҳам кетмайди, оксидланиб ҳам қолмайди.

Олимлар кўп йиллар мобайнида барқарор бўлиб қолаверадиган шундай суюқликни синтез қилдилар. Бу янгилик электротехника ва энергетикада кенг кўламда ишлатилиши мумкин.

Акс садо

«ЖИНОЯТНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?»

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», 1987 ЙИЛ 9 ФЕВРАЛЬ

«Ёшлар дарахт ниҳолига ўхшайдилар, қандай меҳнатга шундай эгиладилар. Менинг ваъз-насиҳатларимни тошга муҳр ўйгандек кўнгилларига жойлаштириб оладилар. Шунинг учун мен уларнинг тарбиясига кўпроқ эътибор бераман», деган экан қадимги юнон файласуфи Суқрот ўзидан нима учун ёшлар тарбиясига кўп аҳамият бераснз, деб сўраганларида. Фарзанд тарбияси оилада муҳим ўрин тутади. Фарзандининг келажакда жамиятимизнинг баркамол кишиси бўлиб етишиши ҳам шу тарбияга боғлиқ. Фарзанд олган тарбиясига қараб ота-онасига раҳмат ёки лаънат келтиради.

Ота-она боланинг дунёга келтирганлари учун эмас, ахлоқли қилиб вояга етказганлари учунгина олқишга сазовор бўладилар. Газетамизнинг саҳифасида чоп этилган «Жиноятнинг илдизи қаерда!» мақоласида ана шу муҳим мавзу ҳақида мулоҳаза юритилган эди. Оқшомхонлар мақоланн катта қизиқиш билан ўқиб, кузончаклик билан ўзгаи хатларини редакциямизга йўллашган.

«Жиноятнинг илдизи қаерда!» мақоласи мени жуда ўйлантириб қўйди. Унда шу куннинг ғоятда долзарб муаммолари кўтарилган. 17 ёшда боланинг шу жиноятларни қилишга қўли борганини тасаввуримга сиғдира олмайман. Энг ачинарлиси шундаки, у бир ўзи эмас, балки ўзидан икки-уч ёш кичик болаларни ҳам жиноятга тортган.

Улар тиш поликлиникасида нима қилишади? Тилла олишадими? Уни кимга сотадилар? Кейин қўлга тушишларин аниқку?! Мен уларга ачинаман, албатта. Чунки, улар бутун умрларининг ҳали ундан бирини яшамаганлар. Мен уларнинг тенгдоши бўлганим учун ҳам шу сўзларни ёзяпман. Мақолада ҳамма нарса бекорчиликдан бошланади, дейилган. Бекорчи бўлмаслик учун бўш вақтларда китоб ўқиш, спорт билан шуғулланиш керак. Асосийси эса мақолада айтилганидек, фойдали меҳнат билан шуғулланишдир.

Мен Тошкент шаҳридаги 249-ўрта мактабни 1986 йилда тугатганман. Ҳар йилги уч ойлик каникулларда ўқувчилар турли корхона ва муассасаларда ишлар эдилар. Мактабимиз ёнидаги Тупроқшунослик ва агрохимия илмий-текшириш институти ходимларининг ўзлари мактаб ўқувчиларини шу институтга ишга таклиф этардилар. Ўқувчилар институтнинг ёрдамчи хўжаликларида турли вазифаларни бажарар эдилар. Менинг фикримча, Андрейдек кишиларни меҳнат билан тарбиялаш керак. Умуман айтганда, бўш вақтни меҳнат қилиш билан ўтказиш зарур деб ўйлайман.

А. ҲАКИМОВ,
ТошДУ журналистика факультетининг лаборанти, 18 ёшда.

●

Мақоладаги Андрейга бир нима дегинг келади. Бу ерда ҳамма айб оилада, ота-онада. Халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади» деган яхши бир нақл бор. Андрейнинг ёшлигида ота ва онаси унга яхши тарбия берганларида, меҳнатга муҳаббат уйғотганларида бундай ҳол рўй бермас эди, албатта. Уларнинг ўзлари ичсалар, чексалар ўғлидан нима гина қилиш мумкин?

Биз ўйлаймизки, яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам ўчоғи — оила. Оила тарбияси — бу турмуш мактаби. Яна шуни таъкидламоқчимизки, кейинги пайтларда шаҳарда болалар тарбиясига эътибор сусайиб кетгани аён бўлмоқда. Шаҳарда болалар тарбиясини доимо ижтимоий меҳнат билан бирга уйғунлаштириб олиб борилса, жуда яхши бўлур эди.

М. БОТИРОВА,
Н. БОТИРОВ,
В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилари.

●

Ҳали балоғат ёшига етмаган бу ўспиринларнинг қилмиш кишини ташвишлантирмасдан қўймайди. Бу вояга етмаган ёшларнинг назоратсиз қолганлигидан далолат беради. Улар тарбияга муҳтож. Тарбиясизнинг бузилиб кетишига эса биринчи навбатда ота-она, қолаверса мактаб маъмурияти сабабчидир.

Эътиборсиз қолганда ёшларнинг кўнгли нималарни тусамайди, дейсиз. Ўғриликдан тортиб, энг қабиҳ иш—қотилликни ҳам содир этишлари мумкин-ку. Кашандалик ва гиёҳвандлик ҳам фарзандга ана шу бепарволикнинг оқибатидир.

Жиноятнинг илдизи назаримизда ёшлар тарбиясининг ниҳоятда бўшлигида, ишдан чиққанлигидадир. Уни изга солиш эса ота-онанинг шарафли бурчидир.

Ю. ТОЛИПОВ,
Тошкент тўқимачилик комбинати ишчиси.

●

Ҳозирги фаровон ҳаётимизга мутлақо ёт бўлган иллатларга айрим ёшларимизнинг илакиш қолиш сабаблари — уларнинг ота-оналар, қўшнилар, тенгқур-дўстларининг, айниқса мактаб-маорнф ходимлари, маҳалла аҳли, қолаверса ҳар бир кишининг назаридан четда қолаётганида деб тушунаман.

Илгарилари болалар ўз имкониари даражасида рўзғор юмушларига ёрдамлашар эдилар. Пировардида болаларда бўш вақтдан унумли фойдаланиш учун шу тариқа кўникма ҳосил этиларди. Гарчанд бу оддий юмуш бўлсада, фойдадан ҳоли эмаслиги ойдин. Ҳозир мактаблар, пионерлар уйлари, саройларида турли тўгараклар фаолият кўрсатаяпти, холос. Бироқ, ростини айтганда, бу тўгараклар барча ўқувчиларни жалб қила олаяпти, деб бўлмайди. Чунки ўша тўгаракларда шуғулланишга ҳамма болаларда иштиёқ сезилмайди. Улар бундан кўра кўчада вақтни бекор ўтказишни афзал деб биладилар. Шу боисдан бу соҳадаги ишлар жонлантириб юборишни тақозо этади.

Мана, ўқувчиларнинг ёзги таътили бошланди. Ёшларнинг каникули мазмунли ўтиши эса унинг режали асосда белгланишига боғлиқдир. Бунинг учун ота-она ҳам, маорнф ходимлари ва жамоатчилик ҳам қайғуриши керак. Зеро, болаларнинг ёшлигининг олтин даври қадрига етишга, эъзозлашга ўргатиш «биз ота-она, мураббий ўқитувчиларнинг фахрли бурчимиздир.

Ҳ. МАВЛОНОВ,
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, ветеран педагог.

●

Мақолада ўспиринларнинг ўғирликка қўл урғани, уларнинг тарбияси билан шуғулланадиган кишиларнинг ўзи эса тарбияга муҳтожлиги тўғри қайд этилган. Бўлмаса бундай нохуш ҳодиса содир этилмасди.

Мақола билан танишиб чиққач, нега ёшлар жиноятга қўл уришади, деган савол анча пайтгача менга тинчлик бермади. Дарҳақиқат, нега шундай бўлди? Қонунга хилоф иш қилаётганларини улар яхши билишгандику?! Шундай деймаку, ўйга толаман: ёш қалбларнинг тубанлашувига не сабаб. Бунинг асосий сабабчиси — бепарволик, лоқайдлик, безъитиборлилик. Мабодо ўша ўспиринлар ота-оналари, маҳалла-қўйдагилар эътиборида бўлганларида бу ҳодиса рўй бермаслигига имоним комил. Ачинарлиси шундаки, уларга ҳамма бефарқ муносабатда бўлган. Шу ўринда аччиқ бўлсада, лекин орамизда ўртамиздан меҳр-оқибат кўтарилиб бормаяптимикин, деган савол туғилади. Сўзимнинг исботи учун бир мисол келтираман. Яқинда республикамиз пойтахтида бўлганимда, кечки пайт янги фильм томоша қилиш ниятида Санъат саройига бордим. Шу кунларда овоза бўлган картиналардан бирининг намойиши давом этаётган экан. Фильмни кўришга иштиёқмандлар жуда кўп эди. Четдан разм солганда, касса олдида тартиб рисоладагидек кўзга ташланади. Бироқ навбатга турганларга яқинлашганимизда кафтига ўн-йигирматалаб билет ушлаб олган «саховатли» жувонбарорларга дуч келасиз. Энг ачинарлиси шундаки, уларнинг орасида мактаб ўқувчилари ҳам талайгина эди.

Хўш, шу ёшидан мўмай даромад изига тушган, пулга тузоқ қўйишга ўрганаётган бу ўқувчилар эртага ким бўлиб етишаркин?!.

Киши умрининг баҳори — ёшликни бевақт хазон этмаслик учун фарзандлар тарбияси ҳамиша барчанинг назаридан қолмаслиги керак. Зеро, у «Жиноятнинг илдизи қаерда!» мақоласи «қаҳрамонлари»дек нохуш оқибатларга олиб келади.

Р. ИСМОИЛОВ,
Наманган области.

«Жиноятнинг илдизи қаерда!» мақоласи юзасидан редакцияга хат йўллаган Р. Ҳакимбеков, С. Ҳабибуллаев, Б. Раҳматов, О. Бахтиёров, К. Назаров ва бошқа кўплаб оқшомхонларга редакция ташаккур билдиради.

СУВОРОВНИНГ ҚАРОРГОҲИ

Ажойиботлар оламида

Астраханликлар Александр Васильевич Суворов қароргоҳини қайтадан тиклашга қарор қилдилар. Қароргоҳ улуғ рус саркардаси Астраханда қуруқликдаги қўшинлар ва Каспий флоти қўмондонлигини қабул қилган. 1780 йили бу ердаги Началов қишлоғида жиҳозланганди.

Александр Васильевич Астраханда икки йил давомида маҳаллий қуролли кучларни мустаҳкамлади ва зўр дипломат эканлигини ҳам кўрсатди. У Эрон шоҳи билан қалин алоқа ўрнатди, Грузия подшоси Ираклий II билан тез-тез ёзишиб турди.

Лекин ғайратли ва шижоатли Суворов учун «узоқ орқа томонда» яшаш оғир бўлиб қолади. У Потёмкинга рапорт устига рапорт юборнб, кучувватларини сарфлаш учун бошқа «янгироқ, жонли» соҳа берилишини сўрайди. Астраханликлар Александр Васильевичнинг кўпдан-кўп ҳарбий юришлари, унинг рус қуроли шуҳратини оширган алоҳида истеъдоди, оддий рус солдатига меҳри ва чуқур ҳурматн тўғрисида ҳам материаллар йиғиш ниятидадирлар.

НУР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Львовлик ёш рассом В. Семенюк оддий дераза ойнасини рангли расмлар ишланадиган заминга айлантирди. Уста шаҳар халқ меморчилиги ва турмуши музейидаги виставкада кўрсатилаётган шу ишларда Гуцули рассомлари санъатини тиклашга муваффақ бўлди. Уларнинг асарлари ҳозир баъзи музейлардагина сақланиб қолган. Ҳолбуки, XIX асрнинг охирлари ва XX асрнинг бошларида кўпгина мамлакатларда карпатлик рассомларнинг ойнага ишлаган шоҳ асарларига қойил қолишган.

Т. Шевченко, Н. Гоголь, совет маданияти атоқли арбобларининг портретлари юмшоқ табиий нур билан йўғрилган. Рассом «Сорочинск ярмаркаси», «Ҳосил байрами» картиналарини, Украин халқ қўшиқлари, урф-одатлари, Карпат ривоятлари асосида ишлаган асарларини қуёш нури билан чизгандек туюлади. Уларда ҳаво билан нур кўп.

Ойнага ишланадиган расмлар уй-жой ва жамоат бинолари замонавий интерьерига ярашиб тушади. Шундан бўлса керак, рассом виставканинг ўзидаёқ архитекторлар ва дизайнерлардан қизиқарли буюртмалар олди.

ТАСС мухбири.

Турмуш чорраҳаларида

ЮРАКДАГИ БИЛЛУР

Ҳаёт ширин. Унинг гаштн ҳам, ташвишн ҳам бор. Уларнинг аччиқ-чучугини тотган, паст-баландини кўрган одам билан суҳбатлашганда ҳузур қиламиз. Йиллар давомида турмуш чигирнғндан ўтиб кўп сайқал топган ҳикоятларини берилиб тинглаймиз. Уларнинг ҳар бири гўё бир мактаб, сабоқ дарсига ўхшайди.

Маҳалламизнинг кекса отахони Одил ота шундай бир воқеани сўзлаб берди. Инсоний бурч, касб масъулияти, қолаверса одамийликдан баҳс юритувчи бу ҳикоя қалбимга ҳаяжон солди. Мана, ундан сиз ҳам баҳраманд бўлинг...

Содиқ Шарипович одатдагидек «Салом, азизларим», дея палатага кириб келди. Беморлар унга онасини қўмсаган ёш боладек мамнун тикилишди. Фақат бир киши чекка каравотда ётган чўққи соқол қария ғудраниб нолнди.

— Биз урушда қон кечдик, ўлим билан олишдик... Ўша хизматлар эвазнга мана бунақа азоб тортиб ётибмиз. Мурувватларингиз ҳалидақа...

Беморнинг бундай нохуш гапини эшитиб Содиқ Шарипович титраб кетди. Биринчи марта шу кишини касалхонага олиб келишганида ҳам шундай бўлганди. Яна... Қачон эдн? Ҳа, ҳеч унутмайди, ёшлигида бу одам билан юзма-юз олишганда шундай бўлганди. Унга анча бўлди, қанча сувлар оқиб кетди.

Отдан тушса ҳам, эгардан тушмабди бу одам. Ғирт ёлғон гапирнб уялмайди ҳам. Тавба, у нимадан норози! Ҳаётн қнл устида турувдн, тасодиф туфайли омон қолдн-ку.

Дастлаб Содиқ Шарипович қарнянн операция қилишдан бош тортдн. Чунки ёшликдан «қадрдон» бўлган бу одамнн касалхонага келтиришганда дарҳол танигаи, ўша вақтдаёқ мнясида қарама-қаршн фикрлар туғён урардн. Ахир ўлим тўшагида ётган бу «беозор одам» уларнинг хонадонига озмунча қора кунларнн солдимн! Унинг туҳматн билан отасн бедарак кетдн, онасн эса шу беномусни деб жонига қасд қилдн... «Йўқ, — ўйлади Содиқ Шарпповнч, — нима бўлганда ҳам унн мен операция қилмаслигим керак».

Ҳаётда ҳамма нарса ўйлаганнмгдек бўлавермас экан. Беморнинг дардн ниҳоятда оғирлнгнни, унн фақат моҳир жарроҳ Содиқ Шарипповичгина операция қилиши мумкинлигнни ҳамма биларди, унинг ўзи ҳам инсоний бир меҳр билан «хўп, мен ўзим операция қиламан», деб юборганнни сезмай қолди. Одамийлик, бурч туйғуси устуилик қилди. Мана энди раҳмат ўрнига ундан эшитаётган гапи.

Беҳаловат ўтган болалнгк эсида. Отасн Самнғ ака мактаб директорн эди. Мана шу бемор қарня — Тилла тажанг эса отасндан олдин шу мактабга директорлнк қилган экан. У қандайдир ножўя нш устида қўлга тушгач (бу ншнинг нималнгнни Содиқжон анинқ билмайди) унн директорлнкдан оддий ўқитувчнликка туширнб қўйншибди. Самнғ ака директор қилиб тайинланганида Тилла тажангнинг патагига қурт тушган экан. Бу нкки ҳамкасаба азалдан бир-бирн билан чиқишолмасдн. Кейин улар ўртасндаги нифоқ ўз-ўзндан яхшиланиб кетдн. Тилла тажанг ўша кезларн уларникига кунора кирнб турар, хайрлашаётганда ҳамнша Самнғ акага: «Агар мингта дўстим бўлса-да, уларнинг бирннчнси ҳам, содиғи ҳам сенсан», деган сўзни айтиб чиқардн.

Бир кунн онасн отасига:

— Шу ўртоғингизнн хуш кўрмайман — қилиқларн ҳам, сўзларн ҳам саммнй эмас... Ундан узоқроқ юринг, дадасн, — дедн.

Шунда отасн кулиб:

— Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайдн, хотин. Ахнр ншимиз, мақсадимиз бнр бўлса, қандай қилиб ундан нарн юрай.

Отаснинг дилдан айтган шу сўзларн Содиқжоннинг ёдида бир умр сақланиб қолган. У яна бир нарсанн унутолмайдн. Ўша кунн хуфтон пайтн кўча дарвоза қўққнсдан тарақлади. Отасннн шу кеча олиб кетншдн. Она ва бола чирқнраб қолаверншдн.

Орадан кунлар ўтдн. Отасндан дарак бўлмадн. Она-бола қндира-қндира ҳолдан тойншдн. Шундай кунларнинг бнрнда Тилла тажанг уларнинг хонадонига жилмайнб кирнб келдн. Унинг орзндан арақ ҳндн анқнб турардн. Онасн қаршнсида турган кншнннг совуқ башарасннн кўрнб тескарн бурилдн.

— Менга қара, Салнма, — дедн у онаснга яқинлашиб, — қўй ўша эрингни... Энди у келмайдн, ҳеч умнд қилма. Ҳалн ёшсан, ўн гулингдан бнр гулинг очнлмаган. Мен ўзим жон деб сенга...

Кутилмаганда чаккасига тушган шапалоқ зарбндан Тилла тажанг ганднраклаб кетдн.

— Йўқол, аблаҳ!... Остонамнн ҳаром қилма! — Салнма опанннг кўзларн газабга тўлдн.

Тилла тажанг қаҳр девнга мингашиб олгандек тишларнни ғнчирлатдн.

—Шунақамн!.. Қўлингдан нима келардн мочағар!.. Эрингнн мен қаматдим. Порахўр, давлат мулкнни совуряпти, деб мен қаматдим... Энди эрингнинг ўлгнгнн ҳам кўрмайсан...

Салнма опа ннграб юбордн. Бирдан токчадаги пнёланн олиб Тиллага отдн. Лекин тегмадн. Тилла оч бўрндек қутурнб кетдн. У хнрнллаб Салнма опага ташланди, жонжаҳдн билан бўғар экан: «кунннг бнтди, кунннг бнтди», дея пншқнрнб хирнллардн. Шунда Содиқжон чндаб туролмадн. Шу пайт тахмон ённда турган гурзн билан уннинг бошн аралаш туширдн. Тилла тажанг, шилқ этнб ерга йиқнлдн. Она қўрқнб кетдн. «Вой ўғлнм, бу ўлиб қолса қотил бўласан» дея фнғон урдн. Сувга югурдн. Музлек сув Тилла тажангнинг кўзнни очдн. У врангқаланг ўрнндан турдн. Ганднраклаб-гандираклаб нндамай ташқарига чиқиб кетдн. Эртасига Салнма опа:

— Ўғлнм, қишлоққа борнб бувнигнн олиб кел. Уч-тўрт кун бнз бнлан турсин. Мен борай десам дадангдан бнрор хабар келиб қоладнмн, деган умндда қимирлай олмаяпман, — дедн.

Шу кунн еттн ёшли бола Содиқжон онажонннн сўнгги марта кўрнб турганнни туш билибдимн, ўшанда. Эртасига қишлоққа йўл олдн. Шунча зўрлашгa қарамай бувнси «Кеч бўлиб қолдн, болам, етиб боролмаймиз. Эрталаб йўлга чиқамиз», деб турнб олдн. Бнр кун ўтказиб, қоқ туш пайтида уйга етиб келишса, эшикда тумонат одам. Хотинлардан бнрн ҳўнграб келиб Содиқжоннн багрига босдн. Кейин қўлига бнр парча қоғоз тутқазди. Содиқжон бенхтнёр хатга тикилдн.

«Ўғлнгнинам, ёлғизнм, менн кечнр. Нимa қнлай, чндаб туролмадим. Сен нораснда пок гўдакни меҳр билан термулувчан кўзнигга тик боқишни ўзимга эп кўрмадим. Тунда сенн пойлаб узоқ ухлай олмадим, хавотнр олдим. Ўйлаб-ўйлаб кўзим кетиб қолибди. Юзимга теккан совуқ шарпадан уйғониб кетдим. Қарасам ўша аблаҳ Тилла...

Бнровларнинг гуноҳн учун ўзнни ўлимга ҳукм қилган онангнн кечнр. Шундай бўлганн маъқул. Отанг скймосн олдида, сенинг нораснлигинг олдида ўзимни бнр умр тавқи-лаънатлаб ўтганимдан кўра ўлимни афзал кўрдим. Алвндо, кўзим. Кўзимнкнг нурн, гуноҳсиз онангни қарғама...»

Орадан йнллар ўтса-да, ота ва онасннинг нурлн скймосн ҳамон кечагидек Содиқжоннинг кўз ўнгида. У Тилла тажангнинг ўша қиёфасннн ҳам яхшн эслайдн. Эртасига қўшнилар унн тутиб олиб роса дўппослаганн, олатасирда Тилла тажангнинг обёги синганн, кейин унн касалхонада кесиб ташлаганнни Содиқжон қандай унутсин! Шундан кейин у бутунлай йўқолиб кетдн. Энди бўлса ўтмишдагн жирканч қилмшн учун йўқотилган обёгига ҳам яхшн нкқоб топиб олибдн бу одам. Гапнни қаранг, бизни деб урушда қон тўкканммш.

Мана, тақдир яна уларнн учраштирди. Лекин бу учрашув ноқулай, нохуш, дардисар учрашув эдн. Содиқжоннинг бошида виждон деган адолатлн ҳакам турардн. Нима қилсин, Содиқжон ҳозир ҳаммасини рўй-рост айтнб берснимн! Қалбнннг тубнда азоб бернб ётган аламлн хотираларнни айтсинми! Йўқ, ҳозир маврудн эмас, унинг юраги кўтаролмайдн. Қалб туғённдан инсонийлик устун келнб Содиқжон унн оёққа турғизганн нима-ю, бир оғнз сўз бнлан жонини сугурнб олганн нима! Содиқжоннинг қалб тубнда, баҳор лоласн кабн пок юрагнда биллурдек мусаффо одамийлик меҳрн бунга йўл қўймас эдн.

Шу пайт хонага ҳамшира қнз югурнб кирдн.

— Содиқ Шарипович, снзнн профессор сўраяптилар.

Тилла тажанг «Содиқ Шарипович» деган нсм-шарифнн эшитнб, кўзнга нссиқ кўрнниб юрган бу ннсоннн анча тавнднн шеккллн, ўтмнш ҳаётндаги қилмншлари ёдига тушиб галати бўлиб кетдн.

М. КОМИЛЖОНОВ.

«Камалак»
шахмат клуби

ҒОЛИБ... СУД ҚИЛИНАДИ

Италиядаги Сан Лоренцо шаҳрининг Фуқароси Жузеппе Новолетти деган бир кимса суд олдида ҳозир бўлди. У шаҳар шахмат чемпионатининг ҳар бир учрашуви олдидан навбатдаги рақибига думалоқ хат йўллаб, унинг ҳотини шаънига доғ туширишга ҳаракат қилганликда айбланган эди. Новолеттининг адвокати, гап бор-йўғи ҳимояси остидаги кишининг турнир ғолиби бўлиши учун ёрдамлашган «психологик ҳийла ҳақида» борган, ғолибни эса суд қилмайдилар, деди.

РОКИРОВКА ЭЪТИБОР ТОПМОҚДА

Конигстедтнинг 1784 йили Стокгольмда чоп этилган «Шахмат ўйини қисқача қўлланмаси»да: «Кучли ўйинчилар қеч қачон рокировка қилмайдилар» дейилган эди. Ўша қўлланманинг анча кейинги (1806 йил) нашрига унчалик қатъий бўлмаган тузатиш киритилди: «Кучли ўйинчилар камдан-кам ҳолларда рокировкага қўл урадилар».

Статистика маълумотларига кўра ҳозир 99 процент ҳолларда малакаларидан қатъий назар шахматчилар шоҳни марказдан узоқлаштириш ҳуқуқидан фойдаланмоқдалар.

ПОРТУГАЛЧА БОШЛАНИШ

Баъзи бировларнинг айтишича, шундай аталувчи дебютнинг пайдо бўлишига Португалиянинг бир неча бор чемпиони, профессор Антонио Пиреш нинг хаёлпаришонлиги сабаб бўлганмиш. Турнирларнинг бирида ўйнаётиб мўътабар олим одатига кўра испанча партияни ўйнамоқчи бўлади, лекин 1. e4 e5 юришларидан сўнг ҳали 2. Kf3 Kc6 ўйналмаганини унутиб, бирданига филини b5 га қўяди. 2. Cb5 юришидан рақиби эсанкираб қолади ва ногоҳ 2...d5 ??? суради. Профессор вазминлик ва жиддийлик билан 3. C:e8 жавобини беради. Батамом саросимада қолган рақиб шу заҳотиёқ таслим ишорасини қилади.

Кулгили аҳволга тушиб қолмаслик учун Пиреша махсус равишда янги дебют тайёрланганлигини билдиришга тўғри келган экан.

Нима бўлган бўлса ҳамки, «Ревиста португеза де шадрез» журналининг 1943 йил февраль сонида профессор Пиреш ўзи қўллаган дебютнинг энг яхши таҳлили учун совринли конкурс эълон қилади.

Янги дебют Португалиядан ташқарида шуҳрат топмади. Лекин маҳаллий ишқибозлар, ўз мамлакатлари вакиллари халқаро мусобақаларда бу «миллий шахмат қуролини»ни муваффақият билан қўллаганларида қанчалик лаззатланишларини айтмайсизми.

Охирги шундай ҳол нисбатан яқинда — Испаниянинг Сан-Себастьян шаҳрида ўтказилган турнирда рўй берди.

А. Ферейра (Португалия) — **Л. Апелланис** (Греция)

Португалча бошланиш

1. e4 e5 2. Cb5 Kf6 3. d4 4. ed4 e5 Kd5 5. Ф:d4. Kb6 6. Kf3 Kc6 7. Фe4 Ce7 8.Kc3 0 — 0 9. Ce3 Kь4 10. a3 Kc6 11. 0—0—0 g6 12. h4 d6 13h5.



Лекин маҳаллий ишқибозлар, ўз мамлакатлари вакиллари халқаро мусобақаларда бу «миллий шахмат қуролини»ни муваффақият билан қўллаганларида қанчалик лаззатланишларини айтмайсизми.

Охирги шундай ҳол нисбатан яқинда — Испаниянинг Сан-Себастьян шаҳрида ўтказилган турнирда рўй берди.

А. Ферейра (Португалия) — **Л. Апелланис** (Греция)

Португалча бошланиш

1. e4 e5 2. Cb5 Kf6 3. d4 4. ed4 e5 Kd5 5. Ф:d4. Kb6 6. Kf3 Kc6 7. Фe4 Ce7 8.Kc3 0 — 0 9. Ce3 Kь4 10. a3 Kc6 11. 0—0—0 g6 12. h4 d6 13h5.

Ва тез орада оқлар ғалабага эришди.

Кўриб турибсиз, қора шоҳ устида «қора булутлар» сузиб юрибди. Ўзингиз мустақил ёки шеригингиз билан биргаликда таҳлил этиб кўринг-а, бунга тезда ишонч ҳосил қиласиз, қўясиз.

Бунисини ўзингиз топинг



Беш юришда мат. Жавобларингизни кутамиз.

СССР спорт мастери М. МУҲИДДИНОВ тайёрлаган.

Бувижон, ўқиб беринг

ФИЛ

Зоопаркда деб
ёмонлама,
Ҳиндистондан
саломнома!
Қанча ёғоч
ташидим,
Энди бошни
қашидим.
Дам олишга
кузатишган,
Пенсияга
узатишган.

Одил АБДУРАҲМОН,
Андижон.

ҚИЗИҚ ГАПЛАР

● Англияда бир жуфт зарҳал патли бургут сақланиб қолган. Тухум қўйиш ва жўжаларни парваришлаш даври туну-кун қўриқланади. Бургут ини жуда маҳфий сақланмоқда.

● Агар қуш палапонлигидан қўлда боқилса, кейинчалик ўзи мустақил овқат ея олмай, ҳалок бўлади.

● Саккизоёқ денгиз ҳайвонини японлар жуда севиб истеъмол қилишади, улар наздида саккизоёқ гўшти жуда тотли ҳисобланади.

● От бир кунда қанча сув ичса... карам ўсимлиги ҳам ундан қолишмас экан. Ўсимликлар ичида карам энг «сувхўри» ҳисобланади.

● Чумоли ўзидан 1400 марта оғир юкни торта олади.

● Сахрои Кабирнинг марказий қисмида яшовчи кўчманчи қабилаларнинг аъзолари жазирама иссиқда бир қултим сув ичмасдан нонуштага еган бир дона хурмо меваси билан кечгача қаноат қилиб юришади.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/VI да **Курорт**, 26/VI да **Келинлар кўзғолони**, 27/VI да **Олтин девор**, 28/VI да **Ўғрини қарокчи урди**,

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 26/VI да **Ёшликда берган кўнгил**, 27/VI да **Тоҳир ва Зуҳра**, 28/VI да **Ҳийлан шаръий**.

Кино

25 ИЮНДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЭРИЁҒАН БУЛУТЛАР» — **Санъат саройи** (17, 19.30), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (16, 18.30, 21.00).

«ҚЎЛГА ОЛИШ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда).

«КУРЬЕР»— **Қозоғистон** (16, 18, 19, 20.00).

«ЮЗМА-ЮЗ» — **Искра** (17.15, 20.00).

«ҲАМРОҲ» — **Дружба** (17, 19, 21.00).

«УЗОҚ КУЗАТИШЛАР» — **Дружба** (16, 18, 20.00), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда).

«СЕВГИ ҲАҚИДА ИЛОВАЛИ ХАТЛАР» — **Восток** (жуфт соатларда).

«БУ ТЕЛБА ДУНЁ» —**С. Раҳимов номли** (18. 21.00).

«ТОВОН ТЎЛАШ» — **Ғ. Ғулом номли** (17, 20.00).

«БОРИГА БАРАКА ЁКИ ЖАВОБ ЗАРБАСИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«ИНТЕРВЬЮ ОЛАЁТГАН КИШИ» — **Чайка** (17, 19, 21.00).

26 ИЮНДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ШАҲРИЗОДАНИНГ ЯНГИ ЭРТАКЛАРИ» —**Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

«ЭРИЁҒАН БУЛУТЛАР» — **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30), **Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«ТУНГИ ҮҒРИЛАР» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 16, 20.00).

«ҚЎЛГА ОЛИШ» — **ВЛСКМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда).

«ЗОРРО»— **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (11, 13.30, 16, 18.30).

«МАКР ҚУРБОНИ» — **Қозоғистон** (11, 12, 14, 16, 17, 18, 20.00).

«ЮЗМА-ЮЗ» — **Искра** (12, 14.30, 17.15, 20.00), **С. Раҳимов номли** (12, 15, 18, 21.00).

«БУ ТЕЛБА ДУНЁ»—**Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00).

«ОТАХОНЛАР» — **Дружба** (ҳар соатда).

«ҚИЁФАДОШЛАР»— **Ғ. Ғулом номли** (11, 14, 17, 20.00).

«УЧ БЎЙДОҚ ВА ЧАҚАЛОҚ» —**Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (14, 18, 21.30).

«КУЗГИ СОНАТА» — **ЎзССР 25 йиллиги номли** (21.00).

«ҒАРОВДАГИ ОДАМ» — **Чайка** (11, 15.00).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КИТОБСЕВАРЛАР ВА МУТАХАССИСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Шаҳар китоб магазинларига қуйидаги нашриётлар 1988 йилда чиқарадиган адабиётларнинг танишиш учун мўлжалланган

ТЕМАТИК ПЛАНЛАРИ КЕЛИБ ТУШДИ

«ПРОГРЕСС»,
«КАРТИ И АТЛАСИ»,
«РОССЕЛЬХОЗИЗДАТ»,
«МЕТАЛЛУРГИЯ»,
«МИР» (чет тилларда),
«МИР» (рус тилида),
КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «ПЛАКАТ» НАШРИЁТИ,
«НАУКА» (физика-математика адабиётлари бош редакцияси),
«НАУКА» IV КВАРТАЛ,
«ЗНАНИЕ»,
МОСКВА УНИВЕРСИТЕТИ НАШРИЁТИ,
ҚОЗОН УНИВЕРСИТЕТИ НАШРИЁТИ.

«Ташкинга» шаҳар китоб савдоси идораси.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг АВТОБАЗАСИ


Тошкент шаҳри ва Тошкент области доирасида уй жиҳозлари, қурилиш материалларини, асбоблари уяларини, кўмир ташиб бериш, оилавий маросимларга хизмат кўрсатиш юзасидан ПУЛЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

Ҳоҳловчилар қуйидаги адресга мурожаат қилсинлар: Тошкент шаҳри, Куйбишев шоссеси, 3-проезд. Телефонлар: 91-60-88, 91-53-79.

ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁРМИЗ!

БИЗ ҲАММА СИСТЕМА ВА МАРКАЛАРДАГИ СОАТЛАРНИ:

— кварц ва электрон-кварц соатларни, механик ва электрон-механик соатларни, механик ва электрон-механик будильникларни «какку-қуш»ли соатларни



РЕМОНТ ҚИЛИБ БЕРАМИЗ

Буюртмалар 5 иш куни мобайнида бажариб берилади



УСТАХОНАМИЗГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, Савдо расталари (7, 8, 11, 15-трамвайларнинг «Марказий телеграф» бекати). Телефон 44-03-91.

«Техсложбитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БОШҚАРМАСИНИНГ
Тошкент экскаватор заводи ва В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги
17-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1987-1988 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кенг профилдаги станокчи, сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, ярим автоматик ва автоматик машиналарда ишлаш учун электр-газ пайвандчи (пайвандлаш ишлари бўйича контролёр, авиация асбобларини йиғувчи слесарь, аппаратура ускуналари ремонти бўйича слесарь, электрон ҳисоблаш машиналари оператори, дурадгор.

8-синф ҳажмида маълумотлилар қабул қилинади.

ТОКАРЬ-УНИВЕРСАЛ, ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ, СЛЕСАРЬ-РЕМОНТЧИ, МЕХАНИКА-ИИҒУВ ИШЛАРИ СЛЕСАРИ ИХТИСОСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ИИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртида группалар спорт йўналишида комплектланади. Қабул вақтида разрядли спортчиларга имтиёзлар берилади.

Ўқувчилар бепул овқат, спорт формаси ва кийим-бош билан таъминланадилар. Қобилиятли спортчиларга қучайтирилган овқат берилади.

Ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати 10 ой, 8-синф ҳажмида маълумотлилар учун эса 3 йил.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини тўланади. Ўрта маълумотлиларга эса ҳар ойда 65 сўмдан стипендия берилади.

Билим юртини муваффақиятли битирганлардан 10 процентини Тошкент политехника институти, ҳарбий ўқув юрти, Тошкент авиация техникуми, Тошкент индустриал техникумида ўқишни давом эттиришлари мумкин. Бошқа битирувчилар Тошкент экскаватор заводи ва Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади-лар.

Билим юрти замонавий техника таълими воситалари билан жиҳозланган кабинетларга эга. Билим юртининг бадиий ҳаваскорлик тўгарагида, спортнинг ҳамма турлари бўйича спорт секцияларида қатнашиш мумкин.

Қирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, медицина справкаси, 6 донадан 4х5 ёки 5х4 катталикдаги фотосурат, ўқиш жойидан характеристика.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Содиқов кўчаси, 6-уй (4, 5-троллейбусларнинг «Экскаватор заводи» бекати).

29-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1987-1988 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЯРИМ ЎТКАЗГИЧЛИ АСБОБЛАР ВА ИНТЕГРАЛ МИКРОСХЕМАЛАРНИ ИИҒУВЧИ, ТЕХНОЛОГИЯ УСКУНАЛАРИНИ СОЗЛОВЧИ, СЛЕСАРЬ-АСБОБСОЗ, РАДИОЭЛЕКТРОН АППАРАТУРАЛАР ВА АСБОБЛАР БЎЙИЧА МОНТАЖЧИ, АВТОМАТИКА ВА КОНТРОЛЬ-ЎЛЧОВ АСБОБЛАРИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ.

ЎҚИШГА 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ТОШКЕНТЛИК ИИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати 10 ой.

Ярим ўтказгичли асбоблар ва интеграл микросхемалар ихтисоси бўйича ўрта маълумотлилар группасида (фақат қизлар) **машғулотлар группалар комплектлангандан кейин бошланади.**

Ўқувчиларга ҳар ойда 77 сўмдан стипендия тўланади. 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 3 йил.

Билим юртини битирганларга эгаллаган касби ҳақида ва ўрта маълумот тўғрисида диплом берилади.

Ўқувчилар ҳар куни бепул 3 маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ УМУМИЙ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига кириб ўқишда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртида спорт секциялари, вокал чолғу ансамбли, радио, фото ва техника ижодкорлиги тўгараклари мавжуд.

Қирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (ёки паспорт), 086/У формадаги медицина справкаси, турар-жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 3х4 ва 4х5 см катталикдаги 8 дона фотосурат.

8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР ГРУППАСИДА МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН, ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР ГРУППАСИДА ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700005, Тошкент шаҳри, Ленин районы, Весна кўчаси, 17-уй (12, 37э, 68э, 81э, 188, 456-автобусларнинг «УЗБУМ», 1, 5, 26-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекатлари).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
41-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
8-10 синфни тамомлаган ёшларни қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

автокран ҳайдовчиси («С» категориясидаги (3-класс) ҳайдовчи гувоҳномаси билан), **автослесарь, бульдозер, скрейпер, грейдер машинисти, сувоқчи-бўёқчи, дурадгор, слесарь-сантехник.**

Билим юртига 15 ва ундан катта ёшдаги 8-10 синфни битирган Тошкент шаҳрида яшовчи йигитлар ҳамда Совет Армияси сафида хизмат қилиб қайтганлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 3 йил ва 1 йил.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

8-синф маълумоти билан — ўқишга қабул қилинганлар бош-оёқ кийим ва уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

10-синфни тугатганлар учун ўқиш муддати — 1 йил, 30 сўм стипендия берилади. Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 процентини тўланади.

Билим юртини тамомлаганларга эгаллаган мутахассислиги ҳақида диплом ва ўрта маълумот ҳақида аттестат берилади. Аъло баҳолар билан битирганлар олий техника ўқув юртларининг кундузги бўлимига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига киради.

Билим юртини битирганлар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ариза, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, медицина справкаси, (286-форма), 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, таржимаи ҳоли, мактабдан характеристика, ота-онасининг иш жойидан справка.

Билим юрти адреси: 700128, Тошкент шаҳри, Октябрь районы, Хуршид кўчаси, 83-уй (44, 48, 97-автобуслар, 10-троллейбус, 10, 23, 27-трамвайларнинг «Лабзак» бекати). Телефон 41-38-22.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ
45-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ТЎҚУВЧИ-ИИГИРУВЧИ ИХТИСОСЛАРИ БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИГА ФАҚАТ ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ ЎРТА МАКТАБЛАРНИНГ 8-СИНФИНИ БИТИРГАНЛАР УЧУН — 3 ИИЛ, 10 СИНФИНИ БИТИРГАНЛАР УЧУН — 1 ИИЛ, 9-СИНФИНИ БИТИРГАНЛАР УЧУН — 2 ИИЛ.

8-синфни битириб келган ўқувчилар ўқиш даврида давлат таъминотида бўладилар, 10-синф маълумотидагилар эса ойига 70 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчилар ўзлари ишлаб топган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини муваффақиятли тамомлаган ўқувчиларга 5-разрядли енгил саноат ишчиси ихтисоси берилади.

Ўрта мактабни битириб билим юртига ўқишга кирган ўқувчилар айни бир вақтда билим юрти йўлланмаси билан Тошкент тўқимачилик институтининг кечки ва сиртқи бўлимларида ўқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

Билим юртида ўқиётганлар база корхонаси ишчиларининг ҳамма имтиёзларидан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаган ўқувчилар олий ўқув юртларида ўқиш учун йўлланма оладилар.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топширши лозим: ариза (директор номига), ўрта мактабни тугатганлиги ҳақида аттестат (8-синфни тугатганлиги ҳақида гувоҳнома), характеристика, яшаш жойидан справка, медицина справкаси, 4 дона 3х4 см. ҳажмида фотосурат.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 185-уй (метронинг — «Халқлар Дўстлиги» станцияси). Телефон 45-47-36.

ҲУРМАТЛИ АВТОҲАВАСКОРЛАР!

«ТАШАВТОТЕХОБСЛУЖИВАНИЕ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ҚАРАШЛИ ҚОРХОНАЛАРДА

АВТОМОБИЛЬ МОТОРИДАН ЧИҚУВЧИ ИС ГАЗИ ТАРКИБИ ТЕКШИРИЛАДИ, КАРБЮРАТОР РЕМОНТ ҚИЛИНИБ, ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИ, ДВИГАТЕЛНИНГ ДАРҲОЛ ЎТ ОЛИШИ СОЗЛАБ БЕРИЛАДИ.

АНА ШУ ХИЗМАТЛАР ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ КОРХОНАЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА:

БОШ ТЕХНИКА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ СТАНЦИЯСИ (СТО) — Чилонзор райони, Халқлар дўстлиги кўчаси, 118-уй. Телефон 76-33-61.

1-СТО — Чилонзор райони, Турсунқулов кўчаси, 8-квартал. Телефон 78-97-68.

2-СТО — Киров райони, Новгород кўчаси. Телефон 35 10-82.

5-СТО — Куйбишев райони, Луначарский шоссеси, 299-уй. Телефон 64-88-83.

7-СТО — Чилонзор райони, Турсунқулов кўчаси, 8-квартал, Телефон 78-52-54.

11-СТО — Ленин райони, Куйбишев шоссеси, 41-уй. Телефон 33-70-14.

16-СТО — Чилонзор райони, Еттитерак кўчаси, 1-уй. Телефон 77-19-40.

17-СТО — Октябрь райони, Генерал Узоқов кўчаси, 147-уй. Телефон 46-74-57.

18-СТО — Киров райони, Чимкент тракти. Телефон 24-71-46.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА:

3-СТО — Олмалиқ шаҳри, Китве кўчаси, 3-уй. Телефон 8-2615-4992.

4-СТО — Чирчиқ шаҳри, 4-микрорайон кўчаси. Телефон 8-271-41134.

6-СТО — Калинин райони, «Хонобод» қишлоқ совети, Набережний кўчаси. Телефон 90-36-77.

8-СТО — Чиноз райони, Янги Чиноз посёлкаси. Телефон 8-2532-1413.

9-СТО — Ғалаба райони, «Москва» колхози.

12-СТО — Ўрта Чирчиқ райони, Энгельс посёлкаси.

13-СТО — Тошкент райони, Кўксарой қишлоғи, Минвода кўчаси, 119-уй.

14-СТО — Ангрен шаҳри, Южний кўчаси. Телефон 8-2665-7410.

15-СТО — Оҳангарон шаҳри, 1-микрорайон, Октябрь 50 йиллиги кўчаси, 39-уй. Телефон 8-2640-2220.

17-СТО — Янгийўл райони, «Коммунизм» колхози, 2-участка.

27 ВА 28 ИЮНЬ — ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИ СОАТ 17.00 ДА
ҚАРЛ МАРКС КЎЧАСИДА
МЕВАЛАР, САБЗАВОТ МАСАЛЛИҚЛАРИ, САБЗАВОТЛАРДАН ТАЙЁРЛАНГАН ТАОМЛАР ҲАМДА КОНДИТЕРЛИК ВА ХАМИР МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ

САВДО КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

УЙ БЕКАЛАРИ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ МУТАХАССИСЛАРИ, ПАЗАНДАЛАР, ҚАНДОЛАТЧИЛАРДАН КОНСУЛТАЦИЯ ОЛИШЛАРИ, ЎЗЛАРИГА МАНЗУР БЎЛГАН ТАОМ ВА МАҲСУЛОТЛАРНИНГ РЕЦЕПТЛАРИ ВА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ БИЛАН ТАНИШИШЛАРИ МУМКИН.

АНА ШУ ҚУНЛАРИ ҚАРЛ МАРКС КЎЧАСИДА ЯНА БИР БАЙРАМ — ПАЛОВ ВА ЁПҒАН НОНЛАР БАЙРАМИ ЎТКАЗИЛАДИ.



САВДО-КЎРГАЗМАСИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ БОШ БОШҚАРМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА
25 ИЮНЬ СОАТ 19.00 ДА
СССР КУБОГИ УЧУН
«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ХИМИК» (Жамбул)
командалари ўртасида

ФУТБОЛ

ФУТБОЛ МАТЧИНИНГ ТАНАФФУС ПАЙТИДА СПОРТ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИНИНГ 10-ТИРАЖИ ЎЙНАЛАДИ.

Билетлар стадион кассаларида сотилмоқда.

Справкалар учун телефон 41-30-23.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

25 ИЮНЬ-4 ИЮЛЬ КУНЛАРИ
мактаб ўқувчиларини оммавий равишда пионер лагерларига олиб кетиш муносабати билан
ШАҲАР ВА ШАҲАР АТРОФИДА ҚАТНАЙДИГАН МАРШРУТЛАРДАГИ
АВТОБУСЛАР СОНИ ҚАМАЯДИ
«Главташпассавтотранс».

Ўзбекистон ССР маданият министрлиги
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
30 ИЮНЬ СОАТ 10 ДАН 14.00 ГАЧА
Институтга кирувчилар учун
ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Адрес: Тошкент шаҳар, Високовольтний массиви, 3-сектор, 127--«а» уй (1, 17, 71, 83автобуслар; 6, 13, 22-трамвайлар; 18-троллейбуснинг «Маданият институти» бекати, 4-автобус; 3-маршрутли таксининг охирги бекати)

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорати, партия комитети ва касаба союз комитети амалий математика кафедраси доценти Р. Ҳ. Зияевага турмуш ўртоғи
Ҳайрулла ЗИЯЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ оқшоми
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58.85; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р—08828 Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 18.45 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Тиражи — 75.131. Б. 2156. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.